



ERKIN YURT

ДИКТАТОР, УНИНГ ҚИЗИ ВА TELIA НИНГ МИЛЛИАРДЛАРИ



даври шуниси билан ажралиб турадики, бунда ҳар қайси кўринишдаги мухолоф кучлар давлат томонидан қатағон қилинди. Ёзги таътил даврида ҳаттоки етти яшар болалар ҳам пахта далаларида давлатнинг асосий экспорт салоҳиятини ташкил этувчи махсу-

дипломатларининг минглаб телеграммаларини очиқларкан, у ерда Каримованинг ҳам номи жуда ёмон отлик қилиб бўлмаса-да, эслаб ўтганди. Элчихона дипломатлари Вашингтонга телеграмма беришаркан, диктаторнинг қизини “Қароқчилар каттаси” ва “Мамлакатда энг ёмон кўриладиган шахс” дея баҳо беришган.

19 сентябрь кунида SVT – швед телевидениесининг “Вазифа. Текшириш” (Uppdrag Granskning) тахлилий кўрсатувида Гулнора Каримованинг номи Гибралтарда рўйхатдан ўтган Такиланд ширкатининг эгаси Гаяне Авакиян билан яқин алоқада эканлигини, Ўзбекистонда бизнес қилишни режаллаган TeliaSonera 3G лицензиясини олиш учун ўзининг миллиардларини айнан мана шу ширкатга тўлаганлигини фош қилди.

Авакиян Каримова билан “Домстиля” деб аталадиган модалар уйида ишлаган ва уларнинг модалар кўргазмасида биргаликда тушган суратлари ҳам мавжуд. Бозорга у Ucell телефон компанияси номи билан кириб борди ва унда Telia Sonera 90 фоиз ҳисса билан асосий эгалликни қўлга киритган бўлса, Такиланд қолган қисмига эга бўлди.

Бунга параллел бир воқелик шуни кўрсатмоқдаки, диктаторнинг катта қизи нафақат телекоммуникация бозорига хўжайинлик қилади, балки давлат ишларига ҳам аралаша олади. Август ойида, “Вазифа.Текширув” Telia Sonera ҳақидаги ўз тахлилий кўрсатувини эълон қилишидан олдин Ўзбекистон вице-премьери Абдулла Орипов вазифасидан озод қилинганди. Абдулло Орипов телекоммуникация масалаларига ҳам алоқадор эди ва айтишларича, бошқа бир телекоммуникация ширкати, Россиянинг МТСга тегишли Уздунробита лицензияси ишидаги коррупцияга алоқадор шахс сифатида кўрилмоқда. Аммо 2004 йилда Уздунробитани МТС сотиб олгунигача, у Гулнора Каримовага тегишли эди, дея хабар тарқатди ахборот сайтларидан бири. Режим танқидчиларининг баҳоларига кўра, Ориповга кўйилаётган айбловдан кўзланаётган асосий мақсад, диктаторнинг қизига қаратилган нохуш нигоҳлардан жамоатчиликни чалғитиш бўлган.

(Давоми кейинги бетда)

Диктатор ва унинг қизи, қизининг энг яқин дугонаси, 3G – лицензияси, 2,2 миллиард крон ва швед давлати телефон компанияси камида иккита халқаро жиноят тергов суриштирув ишларига аралашиб қолган. Тергов таркибида унчалик ишониш мумкин бўлмаган ҳодиса, ҳозирда дунё оммавий ахборот воситаларида шов-шувга айланган воқеа – қандай қилиб TeliaSonera Ўзбекистонга кириб борганидир.

2011 йил сентябрь. Дунё модаларининг прожекторлари диққати Нью-Йоркка, модалар ҳафталигига қаратилган. Шоҳона либослар, кўзни қамаштирадиган даражада тикилган кийимлар, пуллар. Манхэттен ғарбидаги Линколн диққат марказига буюкликни кўз-кўз қилиш мусобақаси гулхани авжига чиққан. Ҳамма шу ерда.

Режа буйича модалар ҳафтасининг пайшанба куни Gulі бренди ўзининг 2012 йил баҳор коллекциясини намойиш қилиши керак эди. Аммо Gulі шоусига фақат бир неча кун қолганда қандайдир бир воқеа юз беради. Тадбир ташкилотчилари томонидан программадаги Gulі бренди намойиши устига чизиқ тортилади, яъни у программадан олиб ташланади. Узи нима бўлганди? Буюк халқаро сиёсат халқаро модалар тадбирига аралашганди. Чунки Gulі бренди ортида диктатор Ислон Каримовнинг 40 ёшли қизи Гулнора Каримова турарди. 2011 йилда Брюсселда, Европа Иттифоқининг президенти Жозе Мануэл Баррозо билан учрашган ўзбек диктатори Ислон Каримов ўзи ва мамлакат ҳақида Amnesty International докладидаги қуйидаги жумлаларни ўкиганди: “Ислон Каримовнинг йигирма йиллик ҳукмронлиги

лотни, пахтани теришга мажбурдилар. Диний эътиқод учун таъқиблар жуда яхши ҳужжатлаштирилган, мамлакат қамоқхоналаридаги қийноқларнинг ҳисобига ҳам ета олмайсиз. Ҳаттоки маҳбус тириклайн қайноқ сувда қайнатиб ўлдирилгани ҳолати ҳам расман тасдиқланган”.

Айнан мана шу собиқ Совет мамлакатига 2007 йилда TeliaSonera 3G лицензиясини олиш учун икки миллиард крондан ортик маблағни тўлаб юборган.

Гап шундаки, мана шу маблағни диктаторнинг қизи ўзлаштирган бўлиши мумкин ва ҳозирда мана шу воқеа сабаб, TeliaSonera нинг бош директори Ларс Нюберг, унинг раиси Андерс Нервингер, ҳамда уларнинг ҳар иккиси устидан соҳиб бўлган швед ҳукумати муаммолар гирдобидида қолган.

Гулнора Каримова турли сабаблар боисидан жуда танилган инсон. У ҳақида турли диссидентларнинг ва бошқа ахборот сайтларнинг саҳифаларидан аниқ маълумотлар олиш мумкин. Бу тарзда ёзувчи журналистларни мамлакатда таъқиб этишади. Сарлавҳаларнинг кўриниши эса жозибалидир. У ўзини нафақат Gulі брендининг дизайнери, балки дипломат деб ҳам таништиради, чунки отаси уни Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчиси лавозимига тайинлаган. Тағин, Спотифайда (Spotify) унинг Googoosha тахаллуси остида популярдузи сифатида ижро этган энг сўнги кўшиқларини тинглаш мумкин. Ўзининг веб саҳифаларидан бирида у ўзини “шоира, меццо-сопрано, дизайнер ва ўзбек гўзали” деб таништиради. Бундан икки йил илгари Джулиан Ассанж ўзининг WikiLeaks саҳифасида Америка

ДИКТАТОР, УНИНГ ҚИЗИ ВА TELIA НИНГ МИЛЛИАРДЛАРИ

(Давоми: Боши 1-Бетда)

TeliaSonera бош директори Ларс Нюберг учун Гулнора Каримова, Гаяне Авакян, унинг Такиланд ширкати, ҳамда тўлаб юборилган миллиардлар қаерга гумдон қилингани ва нима воқеа юз бергани бо-расида ўйлаб кўриш имконлари йўқмиди? Ҳозирда Швеция прокуратурасидан ташқари, Швейцария прокуратураси ҳам кўплаб миллион пулларни ювиш жинойтлари бўйича иш очган, дея хабар беради Швед телевидениеси.

Бу иш бораркан, Швеция-Финландиядаги йирик корпорациялардан бири бўлган Nordea банки 2011 йилда Такиланд ширкатидан тушган 30 миллион доллар миқдордаги маблағ учун ҳисоб рақами очганини билдирди ва орадан бир ҳафта ўтиб бу пуллар ҳам швед прокуратураси томонидан музлатилди.

Энди эса TeliaSonera 3G лицензиясини олишда сарфлаган миллиардлари пора, ёки пул ювиш амалиётига алоқадор эканлигини аниқлаштириш учун Mannheim

Swartling номли ҳуқуқий бир фирмани ёллади.

20 сентябрь кунда Эхо радиосига Ларс Нюберг кўйидагича интервью берди:

“Савол туғилади: Бу ишнинг ортида руйхатда бўлмаган бир неча кишилар бормикан? Бор бўлиши мумкин, чунки беш йил илгари бунақа жиддий саволлар ҳозиргидек мавжуд бўлмаганди”.

Telia раҳбари охириги ҳафталарда кўп сабабларни важ қилиб кўрсатмоқда.

СУРИЯ ВОҚЕАЛАРИ ЎЗБЕКЛАРНИНГ ХАМ ТИНЧЛИГИНИ БУЗДИ

Сурияда давом этаётган қонли воқеалар, Туркиянинг Газиантеп шаҳрида яшаётганларнинг бир маромдаги ҳаётига ўргартишлар киритяпти. Маълумки, бу шаҳар Сурия билан бевосида чегарадош ҳисобланади. Мамлакатда Башар Асад режимига қарши ҳаракатлар бошлаганидан буён, у ердаги зўравонликлардан қочиб чиқаётганлар айнан мана шу шаҳардан ўзларига паноҳ қидирмоқдалар. “Қочиб ўтганларнинг бир қисми, яъни сал камбағалроқлари Газиантепга яқин жойда БМТ куриб берган вақтинча сақлаш лагерларида жон сақлашапти. Ўзига тўқ ва анча маблағга эгалари эса шаҳардаги уйлардан сотиб олаяпти ёки ижарага яшапти”, дейди мана шу шаҳарда 2 йилдан буён яшаётган Ўзбекистонлик қочқинлардан бири.

Турар жойларга талаб ошаётгани, тез орада ўз натижасини кўрсатди: Газиантепдаги уй жойларнинг нархи осмонга сапчиди. Ўш фожеаларидан кейин Туркиядаги БМТнинг қочқинлар бўйича ваколатхонасига бош урган Д. исмли суҳбатдошимиз ҳам бир ярим йилдан буён Газиантепда яшайди. “Газиантепда яшаётганимдан буён нархларнинг бу қадар сакраганини кўрмаганман. Биз оиламиз билан 2 хоналик уйга 250 лира тўлардик. Энди уй эгаси келиб чиқишимизни талаб қилаяпти. Суриялик бир оила мана уйга 600 лира тўлашга рози бўлибди. Октябрни 20 чи кунигача чиқишим керак” дейди

Д. куюниб. Ўзбекистонлик Алимардон ҳам бу ерда 3 нафар таниши билан, шаҳар марказида жойлашган 2 хонали хонадонда бир йилдан буён яшаб келади.

“Суриядан қочқинлар келдию, ҳамма нарсани нархи ошиб кетди. У ердан келаётганларни пули кўп, ҳамма нарсани сотиб олишяпти. Шунинг учун нархлар ошиб кетди. Уйимизни ижараси ҳам 3 баробарга кўтарилди. Эгаси чиқасан дейди. Бошимиз қотган” деди Алимардон.

Газиантепда бир амаллаб кунини ўтказаётган Ўзбекистонлик ва Қирғизистонлик қочқинларнинг оилалари айни шу масала ёзасидан БМТнинг Анқарада жойлашган қочқинлар ишлари билан шўғулланувчи ваколатхонасига (УВКБ ООН) мурожат қилмоқчилар. Чунки улар мана шу ташкилотнинг талаби билан Туркиянинг Газиантеп шаҳри жўнатилганлар. “Биз Туркиянинг, ишлаб кун кўриб, бола чакани боқиш имконияти кўп бўлган Истанбул каби шаҳарларида яшай олмаимиз. УВКБ ООН бизни Газиантеп шаҳрига жўнатади, бу шаҳардан кетсак, қочқинлик мақоми изловчи статусидан махрум қиламиз дейишади” деди биз билан суҳбатда Алижон исмли қочқин. Маълумот учун шунини эслатамизки, БМТнинг Қочқинлар масалалари бўйича комиссарининг Туркиядаги ваколатхонасига ариза берган ўзбекларга, учинчи давлатга чиққунларига қадар Газиантеп шах-



рига йўлланма беришади. Ва улар бу шаҳарни фақат полиция руҳсати билан 2, 3 кунга тарк эта оладилар ҳолос. Алижоннинг айтишича, Газиантепда ўзбеклар асосан озиқ овқат саноати соҳасида ишлашади ва ойига ўртача 700, 800 турк лираси миқдоридан маош олишади.

“Аввал мана шу ойликнинг 200 лираси ижарага кетарди. Ҳозир эса Суриялик қочқинлар бир хонали бошпана учун 500 дан 700 лирагача тўлашга тайёрлар. Табиийки, бу нархлардаги бу тафовут уй эгаларига жуда ҳам ёқаяпти. Улар айтган нарх-ни бизлар тўласак, бир ойда нима еб ичамиз? Мана шуниси жуда ҳам ўйлантираяпти” деди яна Алижон. Газиантепдаги ўзбек қочқинлари, Суриялик қочқинлар туфайли кўтарилган нархлар хали бери тушмайди дейишяпти.

Бу ҳолда ўзбек қочқинларнинг ғамига шерик бўлиши керак бўлган БМТнинг Қочқинлар масалалари бўйича комиссари эса эшикларини ёпиб олган.

Газиантепдаги ўзбек қочқинлари билан боғлиқ вазиятини кузатишда давом этамиз.

Улуғбек Хайдаров

Бугун Туркия вақти билан эрта-лаб соат 08-лар чамаси Турсунбой дўстимнинг скайпидан менга боғланиш чикди. Қабул қилдим. Скайпда Турсунбой эмас, 20-ёшлар чамасида бўлган бир ўғил бола чикди. У билан саломлашиб, “Даданг қаерда? Уни чақир”, десам, йигитча сукут сақлади. Саволни тақрор-тақрор қайтарганимдан сўнгра, йигитчадан “дадамни бериб қўйдик” дейилган жавоб эшитилди. Жуда хафа бўлдим, ниҳоятда ачиндим. Кўз ёшларимни тута

ОЛЛОҲ РАҲМАТ ЭТСИН...

олмадим. Дарҳол, Оллоҳ уни раҳматига олсин, сизларга сабр берсин, деб болага тасалли берган бўлдим, албатта. Бошқа нима ҳам қилардим, кўлимдан нима ҳам келарди, дейсиз. Бу вақт, аллақачон Оллоҳдан Турсунбойга бу дунё учун чиқарилган сўнги ҳукм бажарилганди. Бундай ғамгин ҳолларда биз-ўзбекларнинг удумига кўра, марҳумнинг оиласига “Оллоҳ ҳукмида”, дейилиб тасалли

берилади, таъзия билдирилади. Шу сабаб мен ҳам ўша удумга амал қилишдан бошқа йўл топа олмадим. Ачинишим ва кўз ёшларим ўзим билан бирга қолди. Яна тақрор Турсунбойнинг оиласига, бутун қариндошларига ва дўстларига шу сайт орқали ҳам ўзимнинг ва оиламнинг таъзиясини изҳор қиламан. Турсунбой дўстимизга жойинда роҳат ол, Сенга Оллоҳу таоло раҳмат ва марҳамат насиб айласин, дея дуода қоламан.

Алибой Йўляхши

Сиёсатнинг инсон ва жамият ҳаётининг “қаймоғи” мақомида бўлишига қарамай, баъзан қурол сиёсатни ўзининг махсус воситаси ҳолига келтиришига тарих ва бугунги кунда жуда кўп мисоллар бордир.

Масалан, Чилида ўтган асрнинг 70 йилларида генерал Пиночет қурол кучи билан ўз мамлакатидagi сиёсатни бошқарганди. Пиночетнинг қуролли сиёсати йигирма йил ҳам давом этмаган бўлса, Туркия Жумҳуриясида сиёсатнинг қуролга асирлиги қарийб 90 йил давом этди.

Анкарада куни кеча ўтказилган ҳукумат партияси Адолат ва Тараққиёт фиркасининг (туркча АКП) қурултойини Туркияда деярли бир аср давом этган сиёсатнинг қурол куллигидан қутилиши, дея аташ ҳам мумкиндир. Зеро, Туркия Бош Вазири Тоййиб Эрдўғон ўз чиқишларидан бирида “Биз (яъни АКП ҳукумати) мамалакатимизда ўн йиллардир давом этиб келган Васаят режимига (ҳарбийлар тарафидан бошқарилган сирли, яширин диктатурага) барҳам бердик”, деганди...

Ҳарбийларнинг сиёсатни бевосита бошқариши тарихда кўп марта кузатилган бўлса-да, эски ва замонавий давлатчилик тажрибаларида буни ўзини оклаган усул, деб бўлмайди. Чунки ҳарбийлар бошқарувни ўз назоратига олганларида, жамиятнинг умумий фикри, орзуси ва ғоясидан кўра қўлларидagi қурол ёрдамида ўз билганларича бошқарувни маъқул кўрадилар. Натижада, жамият тараққиёти учун зарур бўлган ижтимоий муносабатларнинг табиийлигига ва жамиятнинг тараққиётига путур етади.

Шунинг учун ҳам, тарихда бўлгани каби, ҳозирги даврда ҳам жамият ва давлатни бошқаришда фуқаровий ироданинг (бу ирода халқнинг эътиқоди, сиёсий қарашлари, иқтисодий ва ижтимоий ташаббусларининг мажмуаси сифатида ўртага чиқади) афзаллиги кўзга ташланади. Туркия ва Мисрдаги ошқора ва яширин ҳарбий диктатураларнинг ўрнини Исломий кимликка соҳиб фуқаровий ҳукуматларнинг олишини бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Бу икки давлат мисолида ҳарбийларнинг давлатни бевосита бошқаришни эплай олмаганликларини, ҳатто ихтиёрларида қуролли кучларнинг бошқаруви бўлган ҳолда ҳам, бошқаларнинг сиёсий раҳбарлигига (ташки кучларнинг тайиқларига ҳам дейиш мумкин) иттибат этишга мажбур бўлганликлари маълумдир.

Масалан, Туркия ҳарбийлари 1980 йилда ҳарбий тўнтаришни амалга оширганликларида ғарблик давлатларидан бирида “бизнинг йигитлар бу ишнинг урдасидан чиқдилар”, эътирофи янграганди...

wikipedia.org)

Сиёсий ирода билан ҳарбий ироданинг орасидagi фарқ масаласига келадиган бўлсак, сиёсий ироданинг устуңлиги – унинг ижтимоий ҳаётнинг илдизларига боғланганлигидир. Ҳарбий ирода эса, бу – ижтимоий “дарахтнинг” шохларидан биридир, холос. Шунингдек, фуқаровий ирода доимий фаолият ва жараёнларнинг натижасидир, ҳарбий ирода эса вақти вақти ўзини кўрсатадиган кучдир...

Туркияда ўтган ҳафта Оғир Жазо Маҳкамаси ҳарбийлар тарафидан давлат тўнтаришини режалаштирган жиноий иш масаласида ўз қарорини берди. Balyoz (“Тўқмоқ”) номи

СИЁСАТ ВА ҚУРОЛ



берилган бу ҳарбий тўнтаришни режалаштирган генераллар ва бошқа ҳарбий мулозимларга 16 йилдан 20 йилгача қамок жазоси берилди. Маҳкамада тасдиқланган далилларга кўра, Туркия ҳарбий кучлари сафидаги 3-армия қароргоҳида 2003 йилда “Balyoz” амалиёти режалаштирилади.

Бу режага кўра ҳарбийлар мамлакатда бошбошдоқлик (анархия) ва тўс-тўполон чиқариш учун мамлакатнинг таниқли зиёлиларини ўлдиришни, Истанбулдаги машҳур жомеларни портлатиб юборишни ва ҳатто Юнонистон ҳаво ҳудудида юнон ҳарбий кучларига оид самолётни уриб туширишни режалаштирганлар.

Хўш, бундай “амалиёт”дан мақсад нима бўлган? Мамлакатда бундай хаос ва террор манзарасини ўртага чиқариш билан турк ҳарбийлари гўё ҳукуматнинг мамлакатни бошқаришни урдалай олмай қолганликларини, шунинг учун ҳам ҳарбий тўнтаришга эҳтиёж бўлганлигини исботламоқчи бўлганлар.

Яъни, ўзлари мамлакатда тўс-тўполон чиқариб, бу билан ҳукуматни айбламоқчи ва натижада ҳарбий тўнтаришни амалга ошириб, ҳокимиятни қўлга киритишга уринганлар. (Қаранг: zaman.com.tr)

Ҳақат армия генерали Четин Дўғон бошчилигидаги ҳарбийлар ўзларининг бу хунта режаларини амалга оширишга муваффақ бўла олмаганлар. Ҳарбийларнинг Тоййиб Эрдўғон ҳукуматига қарши бундай “фитна”га қўл уришларининг саба-

би, Эрдўғоннинг Исломий илдизли ҳукуматни бошқариши ва мамлакатдаги мавжуд ҳарбий бюрократик кучларнинг манфаатларига зид сиёсат олиб боришидир.

Айтиш керакки, Туркияда Жумҳурият қурилгандан кейин 1960, 1970 ва 1980 йилларда бир неча ҳарбий тўнтариш содир бўлган. Ҳарбийлар ўзларининг бундай давлат ҳокимиятини қўлга киритиш анъаналарини 1997 йилда ҳам давом эттириб, Нажмидин Эрбоқон ҳукуматини истеъфога чиқишга мажбурлаган эдилар. Тоййиб Эрдўғон ҳукуматни ўз қўлига олгандан кейин, ҳарбийлар 2007 йилда махсус баёнот бериб, уни ҳам истеъфога жўнатишни истаган эдилар.

Аммо Тоййиб Эрдўғон ҳукумати бу баёнотга қарши баёнот билан чиққан ва ҳарбийларга ҳукуматга бўйсунмиш амрини берганди. Шундан кейин, Туркияда ҳарбийлар фаолияти қаттиқ назоратга олинди. Бунинг учун эса аввало Туркия Истихборот Ташкилотининг (МИТ) раҳбари алмаштирилди.

Бу орада 2007 йилдаги Президентлик сайловларида Тоййиб Эрдўғоннинг яқин сафдоши Абдуллоҳ Гул мамлакат Президенти этиб сайланди. Шу тарзда 2009 йилда ҳарбийлар 2003 йилдаги режалаштирган “Тўқмоқ” номли давлат тўнтариши операцияси фош қилиниб, бу ҳарбийлар устидан маҳкама жараёни бошлатилганди...

Ҳозирги кунда, Туркияда Жумҳурият қурилгандан кейин, мавжуд бўлиб келган ҳарбий бюрократик режимнинг давлат ҳокимиятидаги устуңлиги жиддий шаклда камайишига қарамай, бу режимни тамоман йиқилган, деб ҳам бўлмайди.

Чунки бир тарафдан, ушбу режимнинг идеологик асослари давлатнинг расмий идеологияси (мафқураси) сифатида сақланиб қолаётган бўлса, иккинчи томондан мамлакатда ҳарбий кадрларни тайёрлаш айнан шу мафқурага асослангандир.

Яъни, мамлакатни янги дунёқарашдаги ҳукумат бошқараётган бўлса ҳам, давлатни ва, шу жумладан, ҳарбий кучларни оёқда тутадиган қолип ўзгармагандир...

Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Туркиянинг тараққиёт моделлари таққосланадиган бўлса, мустикаллик йилларида мамлакатни Туркияда бўлгани каби бир аср давомида ўз жангалида тутадиган давлат идеологияси ва тизимининг (секуларизмга асосланган ҳарбий бюрократик диктатуранинг) ўртага чиқмаганлигини бизнинг омадимиз, дейиш ҳам мумкиндир.

ОЙДИН КУНЛАР ТОНГИ ОТГАНДА

Ўзбекистоннинг бугунги ноқонуний президенти, халқнинг бошига битган балои офатдир. Мамлакат иқтисодини емирилишига йўл қўйиб, халқ ғамидин ғамсиз одамдир. Миллат обрўсини оёқ ости қилаётган, қизларининг яйраб-яшнаши учун халқ келажаги муоммаларидан юз ўгирадиган шахсдир. Ўз манфаати йўлида, Андижонда, тинч аҳолини ўққа тутиб, инсоний қиёфасини йўқотган одамдир. Ёшларни, маънавий ва миллий кадрятларидан, одоб ва ахлоқ нормаларидан, халқни эртанги кунга бўлган ишончларидан узоклаштираётган, бошқарувда нўнок президентдир. Мамлакатда зуровонлар ҳукумрон. Мамлакат иқтисоди танг ахволда. Буни англаш учун, мутахасис бўлиш шарт эмас. Юртимизда, деярли махсулот ишлаб чиқарилмайди. Мавжуд қўшма қорхоналар, бу тақчилликни баргараф қилишлари учун қурилган. Лекин, қўшма қорхоналар махсулотининг ички бозордаги нархи, хориждаги баҳолардан баланд. Масалан, ЎЗДЭУ-АВТО махсулотлари.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш субъеклари ва иқтисодий салоҳияти, иттифоқ давридаги қурилиб ишга тушурилган қорхоналардан иборатдир. Бу иқтисодий субъектларнинг яримидан кўпироғида, тавар ишлаб чиқариш амаллари тўхтатилган. Қолган ярими эса, нари борса 20% қувват билан ишлаяпти. Янгидан барпо қилинаётган саноат қорхоналарининг сони мутлақо оздир. Мамлакат президентининг сўзи, расмий қарорлари, чет эл ва ўзимиздан етишиб чиққан зўровон сармоядорлар учун бирдай ишончсиздир ва ховфлидир. Бойвачча, ўз сармоёси билан бирор иш қилишга шайланса, аввало агрофидаги текинхўрларни, яни: ҳокимият, ҳуқуқ тартибот органлари ва солиқчи порахўрларини рози қилиши керак. Кейин иш бошланади. Тадбиркорнинг иши ва ютуқлари, унинг кейинги (айрим мутасадди шахсларга) пул сочиш химмати ҳам боғлиқ. Фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қорхоналарида катта муоммолар мавжуд:

1. Мавжуд моддий ва техник таъминот қорхона эҳтиёжига ва ривожланишига мутлақо тўғри келмайди, керакли моддий ва техник мохсулот етказиб берувчи (пудратчи) қорхоналар, чекланган ассартиментда махсулот етказадилар.

2. Мавжуд технологик линиялар жихозлари ва асбоблари эскирган, ишдан чиққан.

3. Иқтисодий субъектларда кадрларни ўқитиш, малакаларини ошириш тадбирлари издан чиққан.

4. Ҳар бир иқтисодий субъектнинг бардавом ва мувффақиятли ишлаши учун, ишончли молия манбаи йўқ.

5. Кўп ҳолларда буюртмачилар тепадан келган буйруқ билан, буюртма очишга мажбурдилар. Бу носоглом вазият буюртмалар портфелининг асосиз тўлдирилишига сабабдир.

Қорхоналар махсулот ишлаб чиқаришини назорат қилиш ва ривожлантиришнинг асосий воситаси, интизомдир. Яъни:

- Маъмурий интизом.
- Молиявий интизом.
- Технологик интизом.
- Меҳнат интизоми

Мамлакат, диктатор Каримов режими қондалари воситасида бошқарилаяпти. Бошқарув системасининг бошқарув бугунларидаги кадрлар саводи ва тажрибаларига қараб эмас, балки юқори раҳбарнинг истақ хоҳишларига қараб тайинландилар. Қорхона раҳбарлари, ўз субъектларида, фақат тепадан келган буйруқларнигина бажаришга одагланганлар. Воҳоланки, қорхоналарни бошқаришда тубандаги бошқариш элементлари ҳам амалга оширилиши шарт. Яъни:

- Меҳнат коллективининг иқтисодий, ижтимоий ва маиший масалаларини ечишдаги бошқорув амаллари.

- Қорхонанинг истиқболли режаларини ишлаб чиқаришдаги бошқарув амаллари.

- Қорхонани ривожлантиришдаги молиявий системани бошқариш амаллари.

- Кадрларни ўқитиш, малака ошириш ва уй жой таъминоти масалаларини бошқариш амаллари.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш қорхоналарида, бошқарув идораларида бошқорувнинг бесамар, яъни маъмурий буйруқбозлик усуллари қўлланилаяпти. Тепадан берилган “кучли” ва “катъий” буйруқ, бошқорув системасининг кейинги поғоналарига ўтади. Ўтиш жараёнида буйруқ ўз моҳиятини йўқатади. Ишлаб чиқариш бўлинмаларига егиб келган “катта” ва “кучли” буйруқ, ишчиларга танбех беришдан нари ўтмайди. Буйруқ шашти: - ... айибдорсизлар..., ... ишланглар. Йўқса, кетинглар! – деган қўрқитувчилар билан, амалда сўниб бошлайди. Иш барибир чала бажарилади. Чунки:

- чала моддий, техник таъминланган;
- чала технологик жихозланган ишчи ўринларда;

- ишчи кадрлар билан чала комплекнтланган, меҳнат коллективларда, албатта, базўр ва сифатсиз махсулот ишлаб чиқарилади.

Мамлакат ишлаб чиқариш қорхоналарида, қурилиш объекларида ва бошқа идораларда ишни нормал шароитда ташкил қилишнинг тубандаги шартлари бор.

- Моддий ва техник таъминотнинг барқорорлиги. - Технологик..

- чала моддий, техник таъминланган;

- чала технологик жихозланган ишчи ўринларда; - ишчи кадрлар билан чала комплекнтланган, меҳнат коллективларда, албатта, базўр ва сифатсиз махсулот ишлаб чиқарилади. Мамлакат ишлаб чиқариш қорхоналарида, қурилиш объекларида ва бошқа идораларда ишни



нормал шароитда ташкил қилишнинг тубандаги шартлари бор.

- Моддий ва техник таъминотнинг барқорорлиги.

- Технологик базанинг мавжудлиги ва унинг график бўйича янгиланиши.

- Кадрларнинг техник ўқитув ва малакаларини ошириш амалларининг сўзсиз бажарилиши.

- Молия таъминоти.

- Буюртмалар портфелининг тўғрлиги ва тўлаллиги.

Маънавий бойлик, ҳаёт мазмуни.

Моддий бойлик ва фаровон турмушсиз дунёнинг иши битмайди. Шунинг учун ҳам дона ва сабрли халқимиз қадимдан “Устинг бутун, қорнинг тўқ ва тепангда томинг бўлса, шу кифоя эмасми?” - деган. Бугунги ибора билан айтганда: Ҳар бир фуқоро ижтимоий ҳимояга эга бўлиши керак. Яъни, мамлакат иқтисодий инфраструктураси, ишга яроқли ҳар бир фуқорони иш билан қафолатли таъминлаган бўлиши керак. Шундагина улар:

- Халқ истемол молларига;

- Озиқ-овқат махсулотларига;

- Уй жойга бўлган талабларини

қоноатлантира оладилар. Бизнинг келажаги ва ўтмиши буюк бўлган мамлакатнинг бугуни, ўринсиз иқтисодий танг ахволдадир. Чунки, халқи меҳнатсевар, катъий ҳаётий мақсад билан яшаётган ва илмга интилувчи ёшларига эга бўлган мамлакатда, замонавий ишчи ўринлари мутлақо оз. Юрт бошчиси, эл истагига ўзбошимчалик қилаверадиган, амалдорлари “каттага мос ва ўзларига хос” элда фан номзодлари, ўқитувчилар, дўхторлар, талай мутахасислар, хали мутахасис бўлиб улгурмаган ёшлар ватанида ва чет элларда мадикорлик билан трикчилик қиладилар. Азобли руҳий кечинмани ўз қалбларида кўтариб юрибдилар. Масалан: Мардикор, ўз соҳасида яхши мутахасис бўлишига қарамасдан, иш берувчининг у ёки бу хизматини бажариш учун ўз профессионол ғурурини жиловлаши ва бориға шуқур қилиши керак. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган, ўта оғир руҳий жараёндир. Ўз ишчи ўрнида ишлаётган мутахасис, лавозим поғанасидан кўтарилши учун қилинадиган профессионол ҳаракат, нисбатан енгилдир. Фуқароларимиз жонини ва вақтини аямасдан, оромидан кечиб мардикорлик билан фаолият кўрсатаётдилар.

(Давоми кейинги бетда)

ОЙДИН КУНЛАР ТОНГИ ОТГАНДА

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бу, рўй бераётган ижтимоий ходиса, мамлакатимиздаги меҳнат резервларининг нақадар кучли ва сифатли эканидан далолатдир. Ишга талабгар фуқароларимизни ижтимоий ҳимоя қилган ҳолда, уларнинг кучидан ва билимидан тўғри фойдаланиб билсак, Ўзбек миллати, ўз меҳнат маҳсули билан дунё бозорига албатта чиқади.

Меҳнат ресурсларига жуда бой, меҳнаткаш халқи билан мактанса арзийдиган мамлакатимизда, фуқароларимизни иш билан таъминлаш учун ишчи ўринларини барпо қилиш имкониятлари жуда катта.

“Минг ишчидан, бир бошчи...” дейилади нақлда. Бу нақилнинг мазмунини бундай тушунмок керак: Минг ишчи бирор ишнинг урдасидан чиқиши учун, ишчиларга ва ишга, яхши муомлала, билимли, этиқодли ва ғояга садоқатли бир инсон раҳбарлик қилиши керак, дегани. Тузукли бошлиқ топилмаган жойда, тузукли иш бўлмади. Юртимизнинг бугунги бошчилари билан мамлакатда бирор ижобий иш қилиш ўта қийин масала. Уларнинг ўрнини виждонли, билимли, имонли, этиқодли одамлар билан алмаштирилса, албатта ишлар юришиб кетажак. Барпо қилинган ишчи ўринларида, меҳнатни илмий ва миллий асосда ташкил қилсак.

Шунда:

- порахўрлик,
- буйруқбозлик,
- юғурдаклик иллатлари албатта чекинажак. Элимизда, илғор ва мамлакатларошо таниладиган меҳнат коллективлари вужудга келажак. Замонавий маҳсулотлар технологиясини бошқарадиган ва ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод пайдо бўлажак. Тирноқ остидан кир излаб, “Ўзбек миллатининг бўлиб бўлгани шу, у бундан ортиққа лойиқ эмас” – деб бизга уқтираётганларнинг ғарзли ниятлари пучга чиқиб кетаверади. Чунки миллатимиз улуғвор ва бой тарихига эга. Миллатимиз жафокаш вакиллари ўзларининг буюк ишлари билан, инсоният тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олганлар. Келажак учун буюк ишларни бажаришга шайланаётган халқимизга, унинг маънавий камол топишига ва элимизда ойдin кунларнинг тонги тезрок отиши учун дуо қилайлик.

ДУО: Аллоҳим. Сенга имон келтирамин. Ишларимизда сенга суянамин. Сенга таваккал қиламин. Ўзинг билгувчисан. Ўзинг бергувчисан. Юртимизни зolim подшодан ҳолос этиб, халқимизга ўзи танлаган, одил подшосини раво кўргайсан. Биз Сендан хидоят, такво, ўртгача бойлик..

Элимизда, илғор ва мамлакатларошо

таниладиган меҳнат коллективлари вужудга келажак. Замонавий маҳсулотлар технологиясини бошқарадиган ва ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод пайдо бўлажак. Тирноқ остидан кир излаб, “Ўзбек миллатининг бўлиб бўлгани шу, у бундан ортиққа лойиқ эмас” – деб бизга уқтираётганларнинг ғарзли ниятлари пучга чиқиб кетаверади. Чунки миллатимиз улуғвор ва бой тарихига эга. Миллатимиз жафокаш вакиллари ўзларининг буюк ишлари билан, инсоният тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олганлар. Келажак учун буюк ишларни бажаришга шайланаётган халқимизга, унинг маънавий камол топишига ва элимизда ойдin кунларнинг тонги тезрок отиши учун дуо қилайлик.

ДУО: Аллоҳим. Сенга имон келтирамин. Ишларимизда сенга суянамин. Сенга таваккал қиламин. Ўзинг билгувчисан. Ўзинг бергувчисан. Юртимизни зolim подшодан ҳолос этиб, халқимизга ўзи танлаган, одил подшосини раво кўргайсан. Биз Сендан хидоят, такво, ўртгача бойлик тилаймиз. Юзимизни ошқора ва яширин барча ёмонликлардан ўгир. Кўзларимизни, кулоқларимизни, ишларимизни ва фарзандларимизни бизга муборак қил. Гуноҳларимизни кечир. Неъматингни биздан (халқимиздан) аяма.

ОМИН.

Нураддин Жуманиязов



3-октябрь куни Сурхондарё вилояти Бойсун туманида милиция ходимлари томонидан олиб кетилган муҳолифат фаоли Фаҳриддин Тиллаев безориликда айбланиб 15 кунга қамалгани маълум бўлди.

МУҲОЛИФАТ ФАОЛИ ФАҲРИДДИН ТИЛЛАЕВ 15 КУНГА ҚАМАЛДИ

- Бозорда қандайдир хотин билан уришиб қолгани учун қамашган экан. Лекин, бу муҳолифат фаолини жазолаш учун атайлаб уюштирилган фитнадир, – деди “Эрк” демократик партияси бош котиби Отаназар Орипов. Ўтган ой Тошкент суди Фаҳриддин Тиллаев, Нуриддин Жуманиёзов ҳамда Абдулла Тожибой ўғлини ноқонуний фаолиятда айблаб, ҳар бирини юз минимал иш ҳақи (7.235.500 сўм) миқдорда жаримага тортган эди. Учовлон ўтган ой Тошкент

шаҳрининг Қўйлик мавзесида жойлашган меҳнат биржасида милиция ходимлари тарафидан ушлаб олиб кетилиб, кейин қўйиб юборилган эди. Фаоллар иш топиш илинжида меҳнат бозорига келган одамларга “Мустақил мардикорлар касабаси”га кириш учун варақалар тарқатишган. Ҳуқуқ фаоллари ўзларига қўйилган айбловни асоссиз деб, Тошкент шаҳар Ҳамза туман суди қарори юзасидан юқори инстанцияга арз қилишларини айтишган эди.

БИЗ БИЛАН “СИНФДОШ” (ОДНОКЛАСНИК) БЎЛИНГ

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг www.odnoklassniki.ru/uzxalqharakati саҳифасидаги иштирокчиларининг сони 18500 кишидан ошиб кетди. Яъни, биз Ҳаракатимизнинг биргина ушбу ижтимоий саҳифасида ҳар куни мингларча ҳамюртларимиз билан боғланиб, улар билан ўз ғоя ва мақсадларимизни, бу йўлда амалга ошираётган ишларимизни ўртоқлашмоқдамиз. Шунингдек, “Синфдошларимиз” бу саҳифада турли мавзуларда баҳс-мунозараларда иштирок этишмоқда, бу билан улар ватани-

миздаги ижтимоий сиёсий аҳвол ҳақидаги ўз фикрлари ва таклифларини билдиришмоқда, улардан баъзилари саҳифамизга қисқа мақолалар юборишмоқда. Айтиш керакки, бу саҳифада биз билан алоқа ўрнатиш, сиз дўстларимиз учун энг қулай йўлдир. Бунинг учун www.odnoklassniki.ru/ саҳифасига кириб, рўйхатдан ўтишингиз ва бу ердаги бизнинг гуруҳимизга (www.odnoklassniki.ru/uzxalqharakati) аъзо бўлишингиз етарлидир. Азиз дўстлар, биз билан “Синф-



дош” (Одноклассники) бўлинг ва Ўзбекистондаги Каримов диктатураси ўрнига эркинлик, адолат ва ҳуқуққа асосланган фуқаровий жамият қуришга ўз ҳиссангизни қўшинг. Сизни гуруҳимизда кутамиз!
УХХ Матбуот бўлими

Ўзбекистон Республикаси фуқаросига бериладиган паспортга шундай ёзилган: “Ушбу паспортнинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясидадир!” Аммо ўзбек ҳақиқатан ҳам бугун Ўзбекистон Республикаси ҳимоясидами? Элчи-хонага мурожаатлар хорижга тирикчилик илинжида чиқаётган ва сони кундан-кунга ортиб бораётган оддий ўзбекистонликлар учун ўта муҳим



га қадар Шахло бир бор унинг учун Ўзбекистонга сайёҳлик визасини олиб, ота-онасини йўқлаб келганини айтди. Аммо унинг сўзларига кўра, яқиндан бошлаб Ўзбекистоннинг Сеулдаги элчихонаси Кореяга турмушга чиққан ўзбекистонлик қизларнинг фарзандларига Ўзбекистон визасини бермаяпти.

- Августгача саёҳат визаси билан чиқардик. Отаси рухсат берарди ва

ЭЛЧИХОНА ЭШИГИДАГИ ЖАВОБСИЗ САВОЛЛАР

бўлган ҳужжат масаласи.

1. Маълумотнома олиш – “Бир дона тамғани 3 ҳафта кутдим” Россияга иш излаб борган 31 ёшли Нафиса Пардаева вақтинчалик рўйхатдан ўтиш учун йиққан ҳужжатлар орасида Ўзбекистонда турмушга чиқамагани ҳақидаги маълумотномани олишига ҳам тўғри келганини айтади.

Бу маълумотнома Ўзбекистон элчихонасидан олинishi лозим эди ва Нафиса умрида биринчи бор Москва шаҳрининг Погорелский тор кўчаси 12-уйда жойлашган Ўзбекистон элчихонасига борган. Ўша куни ҳаво сувчи, ёмғир шариллаб қуяётган эди, дейди Нафиса.

- Одамлар эса элчихонанинг ташқарисида, кўчанинг юзида навбат кутиб туришибди, орасида болали аёлларам бор. Дарвозахонада 4 та оҳраник. Ярим соат турдим навбат кутиб. Шунда ўша ерда юрган укам қатори йигитлар: “Опача ҳозир бир рубл берсангиз, бир пастда справкани тўғирлаб беради”, дейишди. Бу қарийб 50 доллар пул.

Мен рози бўлмадим. Кейин ҳалиги бола чиқди, уларнинг пулини олди ва кириб кетди. Элчихонанинг ходими эканда у бола. Ёш, тошкентлик йигит. Парадний эшикдан чиқди, – дейди Нафиса Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонасида гувоҳ бўлгани ҳодисани ҳикоя қилар экан. Россияга янги келгани ва ҳали иш топмагани боис Нафиса пора бермасдан, ишини битиришга ҳаракат қилганини айтди.

- Турганларнинг ҳаммаси ўзбек. Ўзбек халқига қилган муомаласини кўрсангиз, худди молга муомала қилгандек: “Бор бетдан”, деб бақириб, сўқиниб гапиришади. Дарвозадан кирганингиздан кейин ичкарида яна навбат.

Хуллас, бардак. Ўзбекистонда ЗАГСдан ўтмаганим ҳақидаги маълумотномани 3 ҳафтада олдим. Квитанциясини кўрсангиз, ксероксдан чиқарилган копия. Мен молия соҳасида ишлайман ва пуллик ҳужжатларга бериладиган квитанция оригинал бўлиши керак. Хуллас нима учун буларга 500 рубл тўлаганимни, тўғриси, тушунмадим, – дейди Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасидан уч ҳафта ичида бир дона маълумотномани олган Нафиса Пардаева. У ишини битирганидан

хурсанд, аммо баъзи жавобсиз саволлари қолди.

- Анув пул йиғиб юрган элчихона ходими ким? Кейин нега менга берилган фирмений бланкаям печати билан, кейин квитанция ҳам ксероксдан чиқарилган копия? Оригиналларини нега беришмади?

2. Паспорт алмаштириш: “Паспорт муддати битаяпти, кетишга пул йўқ”

Россия ҳудудида 25 ёшга тўлган Абдулла Хотамов охириги 6 ой ичида иш топиш қийин бўлгани боис ишсиз ва пулсиз қолгани, охири Ўзбекистонга вақтида боролмаганини айтади. Ахтара-ахтара пул топа олмач, охир-оқибат Абдулла Ўзбекистон элчихонасига бош уриб борган.

- Ишонасизми, президент Каримов хузурига қандоқ кириш қийин, элчихонага кириш ҳам худди шундай. Дарвоза олдида юзтача кўриқчи. Шулардан ўтиб-ўтиб кирдик ва тушунтирдик: аҳвол шунақа-шунақа, Ўзбекистонга боришга ҳеч шароит йўқ, 7 кун қолди паспортнинг муҳлати тугашига, нима ёрдам бера оласизлар, десак, керак бўлса, пул топасизларда, деган жавоб бўляпти, – дейди Абдулла У пул топа олмаган ва ҳозир муддати битганига 15 кун бўлган паспорт билан Москвадаги хонадонлардан бирида иложсиз ўтирибди.

- Менга Миграция хизматида борсанг, 2 минг рубл жарима солади, кейин посолствга жўнатади. Посолства кетишинг учун лицензия қилиб беради ва пул топганинга бориб, паспорт олиб келсан, дейишяпти. Кечирасизу, агар 2 минг рубл пулим бўлганида паспортимни муддатини битириб ўтирмай, йўл қира қилиб кетган бўлар эдим, – дейди Абдулла Хотамов. Бу фуқарони 15 кундан буён битта савол ўртайди:

- Мен Ўзбекистон элчихонасини давлатимизнинг Россияда юрган, қийин аҳволга тушиб қолган фуқароларини ҳимоя қилувчи бир вакили, деб тушунардим. Қўлимда муддати битган паспортим турибди. Нахотки, элчихонамиз менга ёрдам бермаса?

3. Ўзбек учун Ўзбекистон визаси: “Боламга виза беришмади” Жанубий Корея фуқаросига турмушга чиққан 27 ёшли Шахло Рустамова бир фарзанд кўрган.

Фарзанди Корея фуқароси ва бун-

биз чиқиб кетардик. Ҳозир шуни йўқ қилишибдиммиш. Посолствга телефон қилсак, умуман, кўтаришмаяпти. Борсак ҳам ҳужжатларимизни қабул қилишмаяпти, – дейди Шахло. У Кореяга турмушга чиққан ўзбекистонлик дугоналарининг айни муаммодан қийналаётганини ҳам кўшимча қилди.

- Корея дугонам борда, ўзбекистонлик. Уям ҳужжат қилиб юргандида, йўлда қолиб кетиб 10 минут кечикиб обед вақтига борибди. Кейин “Илтимос ака, мен узоқдан келдим ҳужжатларимни қабул қилинг”, деса онасидан олиб сўқибдида, хайдаб чиқарворибди. Сизни одам ўрнида кўришмайдида. Баъзида битта-иккита ҳужжатларни билмай қоласизку, ўшанда мисол учун жеркиб беришадида.

Шу Алёна, деган ўртоғимни онасидан олиб сўқиб, ёмон қилишибдида, – дейди Шахло Рустамова. Қўлида ёш гўдаги билан Ўзбекистонга бориш орзусида юрган ўзбекистонлик Шахло саволига жавоб тополмай сарсон:

- Хориж фуқароси бўлган фарзандимизга Ўзбекистон элчихонаси виза бериши керак эмасми, ахир?!

4. Фуқароликдан чиқиш: “Ўзбекистон фуқаролигидан қачон чиқаман!” Асли тошкентлик Тимур аввалига АҚШ Green Cardини ютиб, океан ортига кетган эди.

Кейинчалик у Америка паспортини олган ва 2007 йилда Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш учун расмий ариза билан Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасига мурожаат қилган.

Унинг тажрибасига кўра, Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш жараёни узоқ давом этадиган қоғозбозликлардан иборат. Унинг аризаси қондирилиши учун икки йил вақт кетган ва ариза қондирилгач, почта орқали унга Ўзбекистон президенти қарори билан Ўзбекистон фуқаролигидан чиқарилгани ёзилган расмий хабарнома келган.

Аммо у бир вақтда ариза топширган 73 яшар онамнинг аризаси 4 йил давомида ҳам қондирилмаган. У каби ўзбекистонликлар оддийгина саволга жавоб тополмай хайрон:

- Ўзбекистоннинг фуқаролигини олишнику, қўйинг, бу давлатнинг фуқаролигидан чиқиш ҳам бу қадар узоқ ва қийин кечадиган жараёнми?

ВЯЧЕСЛАВ ОХУНОВ: 'ARTWEEK STYLE.UZ - ГУЛНОРА КАРИМОВА УЧУН ҲОЗИРЛАНГАН ТОМОША'

bbc.co.uk/uzbek

Тошкентда ArtWeek Style.uz-2012 санъат ҳафталиги бошланди. "Фонд Форум" хомийлигидаги тадбирни Ўзбекистон Президентининг тўнғич кизи Гулнора Каримова очиб берган.

Жамғарма тарқатган хабарда айтилишича, ҳафталик давомида Ўзбекистон, Буюк Британия, Франция, Япония классиклари ва замонавий рассомларининг кўргазмалари, маҳорат дарслари, шунингдек, дунёга машҳур юлдузларнинг концертлари бўлиб ўтади. Бу каби тадбир Ўзбекистонда бир неча йиллардирки ўтказилмоқда ва мамлакатда пахта йиғим терими авжига чиққан бир пайтда ўтади. Санъат ҳафталиги Гулнора Каримованин кўп сонли дабдабали тадбирларидан биридир.

Ўзбекистонлик таниқли рассом Вячеслав Охуновнинг айтишича, бу тадбир олдинги фестивалларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, ғарб ва баъзи маҳаллий дабдабали дизайнларнинг намойишидан бошқа нарса эмас. "Бу каби дабдабали тадбирларга ташқаридан қарагандаги ялтирокликка пугур етказмаслик учун қандайдир долзарб муаммолар,



дейлик, ижтимоий ёки экологик муаммоларни кўтариб чиқадиган ишларни таклиф қилишмайди. Давлат бюджетидан пул оладиган ходимлар, ўқитувчилар, врачлар оғир шароитларда, овқатларига ўз чўнтақларидан пул тўлаб, пахта тераркан, бу ерда фақат битта одам – Гулнора Каримова учун томоша ҳозирланган", деди Вячеслав Охунов. Унга кўра, Ўзбекистон расмийлари оддий одамлар 100 та меҳмон чақириб, тўй қилса, пахтага чикмай, дабдабали тўй қилаяпти, деб жар солишади, аммо бу ёқдаги ҳақиқий дабдаба-ю асъаса билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Айни ҳолда Г.Каримованин

Ўзбекистондаги санъатга хомийлик қилиши, мамлакат санъати имиджи ва обрўсини кўтариш ҳаркатларининг нимаси ёмон деган савол туғилиши мумкин. В.Охуновга кўра, муаммо шундаки, Ўзбекистондаги рассомларнинг аксари ишлари жаҳон бозоридаги рақобатга дош беролмайди. "Ҳаммаси майда, бачкана ишлар. Ғарбда ўзининг ялтирок маҳсулотлари тўлиб ётибди, бизда қилинаётганлари шунчаки бир нуса ёки тақлид, холос.

Совет даврида ҳам Рассомлар Уюшмаси бўларди ва бу уюшма бизга уй, машина ёки мукофот беради, деб қўлларини очиб, тиланчилик қилиб юришарди.

Ҳозир ҳам шундай бўлаяпти, фақат энди бу ташкилот Рассомлар Уюшмаси эмас, Фонд Форум деб номланади" дейди В.Охунов. Унинг айтишича, Фонд Форум аввалига И.Каримовнинг меросхўри сифатида реклама қилиш мақсадида ташкил этишганди, аммо бу иш бермади. Энди эса, ундан мафкуравий мақсадларда, айниқса, ёшларни ҳақиқий ҳаётдан чалғитиш мақсадида фойдаланишяпти.

КАРИМОВ ҚУРБОНЛАРИ: ПАХТАДА ТАЛАБАЛАР ЎЛМОҚДА

Жиззах шаҳридаги Санъат коллежининг 2-курсиди таҳсил олаётган 18 яшар Азиз Бахтиёров пахта тераётган пайтда, врачлар иддаосича, қутилмаган юрак хуружидан далада вафот этди.

30 сентябр куни содир бўлган бу ҳақдаги хабарни талабалар пахта тераётган қишлоқда истиқомат қилувчи Озодлик манбаси 5 октябр куни етказди:

- Бизга шу йил Жиззах Санъат коллежи болаларини Дўстлик туманининг Ойбек жамоа хўжалигига олиб келишди. 30 октябр куни коллежнинг Бахтиёров Азиз деган талабаси вафот этди. Бола пахта тераётган пайтда бирданига йиқилиб қолган. Кейин Дўстликдаги шифохонага олиб боришган, мургда қорни ёриб экспертиза қилишган. Улим сабабини юрак касали дейишяпти, дейди Озодлик манбаси.

Озодлик манбасининг айтишича, талабалар соғлиғини назорат қилувчи тиббиёт ҳамшираси ҳам воқеа ўша ерда бўлган, бироқ унинг қўлидан ҳеч нарса келмаган:

- Мен ҳайронман, агар касал бўлса нега уни пахта теримига олиб келишади? Унинг ота-онаси келиб катта жанжал қилибди.

Менинг ўғлимни ҳеч қандай юрак касали йўқ, эди, боламни сизларга тирик топширганман, сизлар ўлдирдиларинг, топиб беринглар деб роса қиёмат қилибди, дейди бу манба.

Озодлик бу воқеани ўрганиш учун Жиззах вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Пўлат Бобоев билан боғланди. Вилоят бош шифокори Азиз Бахтиёровнинг пахта теримида ўлгани фактини тасдиқлади:

- Ҳа шундай воқеа бўлиб қолди. Бола суд-тиббий экспертизасидан ўтказилди. Энди унинг натижалари билан келиб танишишингиз мумкин, деди Пўлат Бобоев.

Озодлик манбасининг айтишича, шу куннинг ўзида Арнасой туманига келган ҳашарчилардан яна бири пахта теримида вафот этган:

- Азиз Бахтиёров ўлган куни кечқурун Арнасой туманига ҳашарга келган катта ёшдаги бир ҳашарчини Дўстлик тумани марказий шифохонасига олиб келишган. У ҳам ўлибди. Лекин ким эканлигини билолмадик, дейди Озодлик манбаси.

Озодлик ҳозирча расман тасдиқлашнинг имкони бўлмаган



бу воқеа тафсилотларини ўрганишда давом этади.

"Пахта-2012" кампаниясининг расман тасдиқланган қурбонлари сони, Озодлик ҳисобича, беш нафарга етди.

16 сентябр куни Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл тумани Мискин қишлоғида маҳаллий коллеж талабалари Машарип Сиддиқов ва Достон Амитовлар пахтадан қочаётган пайтда поезд тагида қолиб ўлган эди.

17 сентябр куни Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида тошкентлик ҳашарчи-теримчи 55 ёшли Игорь Ячевский оламдан ўтган эди.

Ахборот оқими кучли назорат қилинадиган, сиёсий мавзудаги хабарлар чоп этиладиган веб саҳифаларга тўсиқлар қўйиш кенг тус олган Ўзбекистонда энди прокси сайтларга кириш ҳам мушкуллашган. Ўзбекистонликлар тўсиб қўйилган мустақил ва муҳолиф сайтларга айланма йўл билан кириш имконини берадиган прокси сайтлардан фойдаланишади.

Бугун эса Ўзбекистонда шу прокси сайтлар ҳам тўсилмоқда.
- Ҳозир бирон прокси сайтдан

ПРОКСИ САЙТЛАРНИ ТЎСИШ КУЧАЙДИ

фойдалансангиз, эртага шу прокси очолмаяпмиз. Бугун бирисидан фойдаланасиз, эртасига шу прокси тўсиляпти, дейди ўз исмини айтмаган тошкентлик Интернет фойдаланувчиларидан бири.

Интернет маконида ўзбекистонликлар тўсилган сайтларга айланма йўллар орқали кириши мумкин бўлган юзлаб прокси сайтлари бор. Ҳукумат тўсиқ қўйган сайтларга шу прокси сайтлар орқали кириш мумкин.

Ўзбекистонлик компьютер билимдони Тоҳир Собировнинг айтишича, янги тўсиқлар Интернетдан фойдаланишни энди ўрганаётган кишиларга таъсир қилиши мумкин, лекин умумиятла прокси сайтларни тўсиш самарасиз.

- Илғор фойдаланувчилар бу тўсиқларни бемалол, ҳеч қандай муаммоларсиз айланиб ўтиб, хоҳлаган веб саҳифасини очишлари мумкин. Прокси сайтлар ҳаммаси бўлмасаям ишлаб турибди. Бириси тўсилса бошқаси бор. Ўзбекистонда махсус хизматлар билиб қолган прокси сайтларни тўсади-да, лекин прокси сайтлар сони жуда жуда кўп, уларни ҳаммасини тўсиб чиқиб бўлмайди. Бирини тўсса, иккитаси пайдо бўляпти, дейди Собиров.

Париждаги Чегара билмас мухбирлар ташкилотининг Янги медиа соҳаси бўйича мутахассиси Иохан Бирнинг айтишича, Ўзбекистон каби режимлар прокси сайтларни тўсишни бугун бошлагани йўқ. - Билишимизча бу билан махсус хизматлардаги махсус гуруҳ анча йиллардан буён шуғулланиб келади. Ҳукуматнинг прокси сайтларни тўсиш борасидаги бу уриниши бефойда уриниш, аслида. Интернет бу ўз номи билан ўргимчак тўридир. Қандай тўсиқ



қўйилмасин, айланма йўллар билан Интернетга кириш йўлини доим топса бўлади. Ўзбекистон каби давлатларнинг катта маблағ сарфлаб тўсиқлар жорий этаётгани Интернетга кирувчиларнинг ахборот олиш учун йўлини узайтиради, уларни вақтини олади холос, дейди Иохан Бир.

Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчилари сони тўққиз миллиондан ортади. Агар Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги эълон қилган бу рақамларга ишонинг, мамлакатда ҳар уч одамнинг бири Интернетдан фойдаланиш имконига эгадир.

Ўзбекистонлик мутахассис Тоҳир Собировнинг айтишича, мамлакатда кўпчилик фойдаланувчилар беркитилган сайтларга

прокси сайтлар орқали киришни билишмайди.

Улар орасида прокси сайтлар ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмаган. - Google ёки бошқа қидирув тизимлари орқали бошқа ҳали тўсилмаган прокси серверларни топиш жуда осон нарса.

Қидирув тизимига кириб туриб прокси серверлар ёки блокировкани айланиб ўтиш йўллари, деб рус тилида ёки инглиз тилида, ёзса бир дунё прокси сайтларни чиқариб беради. Шулардан бирини танлаб фойдаланиши мумкин. Энди улар ҳам ҳар хил бўлади. Осони бор, қийини бор. Махсус дастурлар бор, улар орқали айланиб ўтса бўлади, дейди компьютер соҳаси мутахассиси Тоҳир Собиров.

Psiphon Inc. компанияси томонидан яратилган VPN ва HTTP прокси серверлар ёрдамида Интернетга айланма йўл билан кириш имконини берадиган янги воситадир. Psiphon 3 клиентини автоматик тарзда Интернетга киришнинг янги айланма йўллари топиб, қўйилган тўсиқларни четлаб ўтиш имконини оширади.

АҚШдаги Freedom House инсон ҳуқуқлари ташкилоти ўзининг ўтган ҳафтада эълон этган ва 47 мамлакатдаги вазият таҳлил қилинган янги ҳисоботида Ўзбекистонни Интернет эркин бўлмаган 11 давлат қаторида тилга олди.

Freedom House мутахассисларига кўра, бу мамлакатларда сиёсий мавзудаги хабарлар чоп этиладиган вебсаҳифаларга тўсиқлар қўйиш кенг тус олган.

Ҳукумат тарафидан ҳалқаро Интернет тармоқларига боғланишнинг назорат остига олиниши эркин фикр билдириш учун жиддий таҳдиддир, дейилади ҳисоботда.

“ГРУЗИЯ ДЕМОКРАТИЯ ИМТИҲОНИДАН ЎТМОҚДА”



Грузия президенти Михаил Саакашвили етакчилигидаги “Бирлашган миллий ҳаракат” 1 октябр куни ўтказилган парламент сайловида мағлубиятга учради. Бироқ бу мағлубият ўзбек сиёсатчилари ва сиёсатшунослари назарида, аслида, шахсан Саакашвилининг, умуман эса Грузиянинг ғалабасидир.

Кузатувчилар назарида, Грузиядаги парламент сайловлари Саакашвили раҳбарлигида амалга оширилган ислохот ва демократик кадрлар имтиҳони ўлароқ кўринди. Бир вақтда ўтган Беларусдаги сайлов билан таққосланса, Грузиянинг бу имтиҳондан яхши ўтгани кузатилди.

Агар Ўзбекистондаги сайлов билан солиштирилса, контрастнинг янада бўртишини кўрамиз. Бир сўз билан айтганда, Грузияда бир ҳокимият иккинчиси билан тинчгина алмашиди.

Ўз мамлакатада режим алмашиш мавсумини кутаётган ўзбекистонликлар учун Грузиядаги жараён ўрнатқан каби кўринди. Амалга ошган “Гуржи орзуси”нинг ўзбеклар

учун ибрат жиҳатлари нима?

5 октябр куни айни саволни Озодликнинг “Қурултой” эшиттиришида муҳокама қилинди.

Эшиттириш қатнашувчилари:

Грузияда ишлаётган журналист Олег Панфилов,

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати етакчиси Мухаммад Солиҳ,

Ўзбекистон Демократик ташаббуслар маркази етакчиси Искандар Худойберганов.

Берлиндаги Ўзбекистон-Германия форуми раҳбари Умида Ниёзова ҳам эшиттиришда қатнашиб, Грузиядаги жараёнларни Ўзбекистон билан қиёсий таҳлил қилди.

ШВЕЦИЯДА ТАКИЛАНТ ҲИСОБЛАРИ МУЗЛАТИЛДИ



Душанба куни Швецияда чиқадиган бир қатор нашрлар Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримовага яқин бўлган Гаяне Авакяннинг Takilant ширкатига тегишли маблағлар музлатилгани ҳақида хабар тарқатди.

“Svenska Dagbladet” нашрининг ёзишчи, Швеция прокурори Гуннар Статлер Takilant ширкатининг Nordea банкидаги 30 миллион АҚШ долларини музлатиш ҳақида қарор берган.

Швеция телевидениеси ўтган ой Ўзбекистондаги Ucell ширкатининг эгаси бўлган TeliaSonera президент Ислон Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримовага яқин экани айтилган шахсга миллионлаб доллар тўлагани икки қилинган филмни намойиш қилинганидан сўнг прокурор Статлер бу иш билан шуғулланишни ўз зиммасига олганди.

Гуннар Статлерга қичра, бу пуллар “криминал пуллардир”.

Ўз навбатида, Nordea банкининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича директори Ян Ларссон телевидение орқали берилган шов-шувли кўрсатувда Tekilant ширкати номини эшитишлари билан улар дарҳол бу ширкатнинг пуллари ўз банкларида туриши ҳақида полицияга хабар берганликларини айтган.

Маълум бўлишича, Takilant Швециянинг “Nordea” банкидаги ҳисобини 2011 йилда очган.

Швециялик яна бир прокурор Берндт Бергер Стокхольм маҳкамасидан мамлакат банкларидаги Takilant ширкатига тегишли бўлган 1.5 миллиард швед кронасига тенг маблағларни музлатишни сўраган. Svenska Dagbladet нашрининг ёзишчи, Svenska HandelsBanken деб аталувчи швед банкининг ўзи ҳам суриштирув ўтказиб, Takilant ширкати Ўзбекистонда мобил алоқа хизмати кўрсатиш ҳақида ҳеч қачон лицензияга эга бўлмаганини аниқлаган.

Швеция давлатига қисман тегишли бўлган TeliaSonera ширкати 2007 йилда Ҳибралтарда рўйхатга олинган Takilant ширкатидан Ўзбекистон фаолият қилиш учун 30 миллион

долларга 3G-лицензияларини сотиб олгани ва Ўзбекистондаги маҳаллий қонунчиликка биноан иш юритганини таъкидлаганди.

Takilant ширкатининг Ўзбекистон президенти Ислон Каримов қизи Гулнора Каримовага алоқаси борлиги айтилади. Takilant Ltd нинг эгаси Гулнорага яқин бўлган Гаяне Авакян исмли аёлдир.

Ўзбекистонлик бу аёл Швейцария расмийлари томонидан ноқонуний пулларни ўзлаштиришга доир йирик тергов жараёни марказида ҳам туради.

TeliaSonera Ўзбекистонда 3G мобил телефон алоқа хизматини йўлга қўйиш учун рухсат олиш эвазига Ҳибралтарда қайд қилинган Takilant Ltd ширкатига ҳаммаси бўлиб 320 миллион долларга тенг пул ўтказгани айтилади.

TeliaSonera директори Ларс Найберг эса ширкатга нисбатан илгари сурилаётган айбловлар тасдиқланса, истеъфо беришни билдирган.

Ўзбекистон расмийлари ҳам, ҳукумат назорати остида бўлган ўзбек матбуоти ҳам Швеция ва Швейцарияда бошланган жиноий текширувлар, интернетдаги шов-шувли хабарлар борасида ҳозирча сукут сақламоқда.

UCCELL ТЕКШИРУВИ 2012 ЙИЛ ОХИРИГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистондаги TeliaSonera Швеция-Финляндия телекоммуникация компаниясига қарашли Ucell уяли алоқа операторининг аудит текшируви 2012 йилнинг охиригача чўзилиши мумкин, дея хабар беради Reuters.

Эслатиб ўтамиз, TeliaSonera Ўзбекистондаги Ucell компаниясининг текширувига Mannheim Swartling юридик фирмасини мустақил аудитор этиб тайинлади: TeliaSonera 2007 йилда Ўзбекистонда 3G-лицензияси, частоталар ва телефон рақамлари серияларини сотиб олиш учун бирор-бир коррупцион схемадан фойдаланганми-йўқлигини аниқлаш топширилган. Аудит ўтказиш ташаббуси “Миссия: Текширилсин” сериядаги теледастур транслациясидан сўнг кўтариб чиқилган. Ушбу дастур муаллифларининг таъкидлашича, компания 2007 йилда Ўзбекистонда фаолият юритишга лицензия ва частоталар сотиб олиш учун маҳаллий ўзбек шеригига – Гибралтарда рўхатга олинган Takilant МЧЖ компаниясига \$320 миллион тўлаган. Прокуратура TeliaSonera компаниясининг Ўзбекистонда лицензия сотиб олиш битимини текшира бошлади, компаниянинг



ўзи эса ушбу битим билан боғлиқ порахўрлик ва пул ювиш масаласи юзасидан ўзининг ички текширувини бошлади.

Шу билан бирга, TeliaSonera компаниясининг 37 фоиз акцияларига эгаллик қилувчи Швеция ҳукумати компаниянинг Директорлар кенгашида ўз ўрнига эга бўлишга даъво қилаётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Reuters агентлиги шу савол билан молиявий бозорлар масаласи бўйича вазир Питер Норманга мурожаат қилиб, бу хабарни тасдиқлашни ёки инкор этишини сўради. Питер Норман бу нарсани истисно этмаётганини ҳамда ҳукумат этик масалаларни ҳал қилиш, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари ва коррупцияга қарши кураш бўйича менежмент ишини яхшилашни

истаётганини маълум қилди.

TeliaSonera компаниясига қарши қўйилган мазкур айбловлар муносабати билан Швеция ҳукумати ўзи ҳиссадор бўлган компанияларда вазиятни назорат қила олгани боис қаттиқ танқид остига олинган эди. Парламент тингловларида сўзга чиққан Норман ҳукумат авваллари компаниянинг ишига аралашмай келганини, аммо айтилган пайтда TeliaSonera билан яхши диалог ўрнатганини маълум қилди.

“Компания Ўзбекистон бозорини тарқ этадими?” деган саволга Норман: “Бу TeliaSonera менежментининг ваколати доираси қирувчи масала”, деб айтди ҳамда ҳукумат ўзининг бу компаниядаги улушини сотмоқчи эмаслигини қўшиб қўйди”.

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

(Давомини боши ўтган сонда)

Гугуша учун махсус дастур

Бу дастурнинг амалга оширилиши 2009 йил 1 январидан 2016 йил 1 январигача муддатга белгиланган бўлиб, тўрт босқичга тақсимланган:

1-босқич: (2009-2011 йиллар):

Гулнора Каримовани босқичма-босқич Ўзбекистоннинг нодавлат ОАВда, интернет-саҳифаларида реклама қилиш, унга “истеъдодли ёшларнинг хомийси” деган имиджни яратиш;

2-босқич: (2012-2013 йиллар):

Давлат ОАВ, биринчи навбатда давлат телеканалларида Гулнора Каримова учун “шижоатчи ва прагматик сиёсатчи” имиджини яратиш;

3-босқич: (2013-2014 йиллар):

Гулнора Каримовага давлат теле-, радиоканаллари, босма нашрларидан бевосита Ўзбекистон халқига мурожаат қилиш имконини бериш, унинг учун “беғуноҳ қурбон” имиджини (!!! – мана шу нуктага алоҳида эътибор беришни сўраймиз – У.Х.) яратиш;

4-босқич: (2015 йил): Гулнора Каримовага ҳокимиятни ўтказиш ва Ўзбекистон президенти лавозимидан унинг мавқеини мустаҳкамлаш.

Дастурнинг учинчи босқичида кўрсатилган чораларни амалга ошириш доирасида Гулнора Каримовага сохта суиқасдлар уюштириш, ҳамда маҳаллий ва хорижий ОАВда ушбу “спектакллар” ҳақида ёлғон маълумотларни тарқатиш кўзда тутилган.

Ўзбек ҳукумати бундай сценарийларни тузиш ва амалга ошириш бўйича улкан тажрибага эга экани ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, 2013 ва 2014 йиллар Ўзбекистон тарихидаги “кизгин” давр бўлиши кутилади. Агар 2013-2014 йилларда Ўзбекистон а хорижий хабар телеканалларида ёки интернет-сайтларининг хабар ленталарида президентликка “номзод” Гулнора Каримовага суиқасд ҳақида материаллар пайдо бўлса, бундай “янгилик”ларга ишониб, кўзёши тўкишнинг ҳожати йўқ. Булар Ислоҳ Каримовнинг қизи учун “беғуноҳ қурбон имиджини яратиш”, у ҳақда ижобий ижтимоий фикрни пайдо этиш ҳамда маҳаллий ва халқаро жамоатчиликни алдаш мақсадида ҳокимиятнинг ўзи уюштирган сохта суиқасдлар бўлади. Дастурнинг 2-босқичини амалга ошириш доирасида, жорий йилнинг 31 августидан бошлаб ўзбек махсус хизматларининг топшириғига биноан, давлат телеканаллари мамлакат аҳолисиغا Гулнора Каримовани илк маротаба йирик планда кўрсатди. Бу зинҳор қандайдир тажрибасиз режиссер ва видеооператорларнинг тасодифий кадрлари эмас, балки кўп йиллик тажрибага эга профессионалларнинг олдиндан режаланган намоиши эди. Гугушани намоиш қилиш бундан кейин ҳам давом этажак.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 2012 йил августигача Ислоҳ Каримов президентликка “номзод” Гулнора Каримованинг аста-секин, босқичма-босқич реклама қилиш тарафдори бўлиб келган



бўлса, август ойининг охирига келиб бу жараёни тезлатишга, уни кучайтирилган ва кенг кўламда олиб боришга қарор қилди. Диктатор АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Роберт Блейк ташрифидан кейин тўнғич қизини тахтага келтиришнинг рекламасига янгича туртки беришга қарор қилди. Шундай қилиб...

АҚШ давлат департаменти Гулнора Каримованинг “номзод”лигига яшил чироқ берган

Роберт Блейкнинг Тошкентга сафари арафасида Ўзбекистон Президенти парламентнинг қуйи палатасига шошилинч равишда республика ҳудудида хорижий ҳарбий кучлар базаларини жойлаштиришни таъқиқлаш ҳақидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш топшириғини берди. Шундан кейин 5 август куни Олий Мажлис “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устивор йўналишларини тасдиқлаш ҳақида” қонун қабул қилди. Бу қонуннинг 3 –моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштиришни таъқиқлайди”, дейилади. Шунингдек, бу америкалик дипломатнинг Тошкентга сафари арафасида ўзбек депутатлар “тепа”нинг топшириғига кўра, зудлик билан оғирлиги 50 тоннадан оғир келадиган халқаро юк ташиш автовоситаларидан километрга 1 доллар, нагрукаси бундан-да оғир келадиган воситалардан эса километрга 2 доллардан ҳақ ундириш ҳақида қонун қабул қилдилар. Бу қонун америкаликлар учун махсус чиқарилганди: унинг таъсир доирасига АҚШ кучларининг Афғонистондан олиб чиқишни мўлжаллаётгани танк ва бронотехника ташийдиган автоколонналар кирарди.

Бошқача қилиб айтганда, Ислоҳ Каримов америка ҳарбий транзитидан пул ундиришга ва шу тарзда америкаликларга ўз шартларини қабул қилдиришмоқчи бўлганди. АҚШ Давлат Котиби ёрдамчиси Блейкнинг август ойида Астана ва Бишкекка сафарини бекор қилиш, Тошкентда бир неча кун қолиб қетишининг асл сабаби мана шунда эди. Роберт Блейк билан музокаралар давомида Ислоҳ Каримов қайта-қайта “америкаликларга ноқулайлик яратаётган ўзбек қонунларини тўхтатиб туриш ёки уларни қайта кўриб чиқиш давлат раҳбарининг ташаббусига боғлиқ эканлигини” таъкидлаш билан бутун ишларни ўзи назорат қилишини

дипломатик шаклда билдирган ва бу билан америкаликларни Тошкентнинг шартларига қўнишга чорлаганди. Август ойининг бу кунларида Блейк Ислоҳ Каримовнинг янги талабларини чарчамасдан Вашингтонга билдириб турди. Қуйида Ислоҳ Каримов ва Блейк орасида бўлиб ўтган мулоқотнинг стенограммасини келтирамиз:

«Р. Блейк: Тўғриси айтсам, АҚШ Давлат Департаменти транзит учун тўлов, Хонободда ҳарбий база бўлиши билан бирга ўзбек тарафининг сиёсий талабларини ҳам қабул қилиши кераклигидан таажжубга тушмоқда..

И. Каримов: - Биз бугун АҚШнинг нафақат молиявий, балки сиёсий ёрдамига ҳам муҳтожмиз. Бунинг эвазига биз транзит ва ҳарбий база учун тўловларни жиддий миқдорда камайтиришни ваъда берамиз

Р. Блейк: - Бу тушунарли, аммо биз Гулнора Каримованинг президентликка номзодлиги ва кейинчалик бу мансабни эгаллашини қўллаб-қувватлай олмасак керак. Чунки АҚШ ўзининг демократик давлатларни қўллаб-қувватлайдиган демократик давлат эканини асло унута олмайди.

И. Каримов: - Ўзбекистон ҳам демократик давлат. Мен ҳам фарзандларим ва невараларимга Ўзбекистонни демократик давлат сифатида мерос қолдиришни истайман. Лекин шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, агар бу ерда сиз айтаётган демократик ислоҳот ва сайловлар ўтказадиган бўлсақ, менг юз фоиз ишонманки, бу ерда АҚШни унчалик ҳам хуш кўрмайдиган исломий ёки исломийга яқин қарашдаги мухолифлар ҳокимиятга келади. У ҳолда АҚШ Ўзбекистонда ҳарбий базаларини жойлаштириш ёки умуман Ўзбекистон билан алоқа қилишни орзу қилмаса ҳам бўлаверади.

Р. Блейк: - Аммо, Ислоҳ Абдуғаниевич, биз бирор давлатда ва, ҳатто АҚШ билан ҳамкорлик қилаётган давлатда ҳам, президентликка номзод бўлганларни қўллаб-қувватлай олмаймиз.

И. Каримов: - Биз сиздан номзодимизни очик қўллаб-қувватлашни сўраётганимиз йўқ. Биз сиздан номзодимизни расмий танқид қилмаслигингизни ва АҚШ судининг (Гулнора Каримова устидан чиқарилган Нью-Жерси судининг қарори – тарж.) у ҳақдаги қарорларини эслатмасликни сўраймиз. Р. Блейк: - Кеча мен бу ҳақда Вашингтон билан гаплашдим ва у ердагилар бу масалада сукут сақлашларини айтдилар. Аммо Оқ Уй ўз зимасига Америка ОАВнинг номзодингизни танқид қилмаслик масаласида масъулиятни ололмайди...

И. Каримов: - Тўғриси айтсам, давлат раҳбарлари ва дипломатларнинг ўз газета ва журналларини жиловлай олмасликлари ҳақидаги гаплари мени таажжубга солади. Журналистларга қарши чиқолмайдиган сиёсатчи қанақа сиёсатчи ўзи?

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Р. Блейк: - Сийасатчилар ҳам ҳамма одамлар каби кучли ёки кучсиз бўлишлари мумкин...

И. Каримов: - Мен яна бир марта айтаман, Ўзбекистон ва АҚШ ҳамкорлиги фақат бизнинг номзодимиз қабул қилинганда тараққиёт қилиши мумкин. Ўзбекистонда АҚШ билан ҳамкорликка мойил бўлган бошқа кишини мен кўрмайман.

Р. Блейк: - Ислон Абдуғаниевич, мен фақат ўзимнинг номимдан гапирмайман. Мен сизга АҚШ Давлат департаментининг хоҳишини билдирдим: бу идора сизнинг номзодингиз ва унга президентлик лавозимини беришингиз масаласида на ижобий, на да салбий фикр билдирмайди. Унутмангки, АҚШ хавфсизлик ва ҳукуматга қарши эҳтимолий халқ намоёнликлари масаласида Ўзбекистонга ёрдам беради. Бу эса

диаспорасидан фойдаланиб, ўз таъсирини кучайтириши керак бўлади.

4) Ўзбекистон ташқи сийасатининг МДХ нисбатан устивор йўналиши Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Россияга нисбатан кучли сийасат ўтказишдан иборат бўлади. Икки томонлама шартномаларга кўра, Ўзбекистонга аввало Марказий Осиё давлатларидаги (Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон) ва Россиядаги ўзбек диаспорасининг имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш топширилган.

5) Август ойида ўтказилган музокара-ларда АҚШ тарафи Ислон Каримовни Афғонистондан олиб чиқариладиган куруллар ва ҳарбий техника воситаларининг қатта қисми Ўзбекистонга берилди ёки бу ердаги омборларга жойлаштирилади, деб ишонтирган. Америкаликлар, шунингдек, Россия

ҳамда сунъий йўлдош телекоммуникациялари устидан назоратни кучайтириш топшириғи берилган. Тошкентга интернет ва фазовий телеканаллардан фойдаланишни назорат қилиш бўйича махсус орган тузиш тавсия этилган. Бу мақсадда АҚШ тарафи ўзбек махсус хизматларига 12 миллион доллар миқдорига (энг янги информация технологиялар ҳамда интернет ва фазовий телекоммуникациялар назорати бўйича махсус ускуналардан иборат) техник ёрдам кўрсатилган. Биз бу маълумотларни келтиришимиздан мақсад, оптимистларда оптимизмни йўқ қилиб, уларни пессимистга айлантириш эмас. Биз бу фактларни Каримов режимига қарши курашдаги келажак фаолиятида тўғри хулосалар ва тўғри қарорлар қабул қилсин, деган мақсадда келтирмоқдамиз. Шундай қилиб...

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ КЎЗГОЛОНЛАРИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

жиддий ёрдамдир”. Ушбу мулоқотдан АҚШнинг Ўзбекистонда президентлик лавозимини мамлакат диктаторининг тўнғич қизи Гулнора Каримовага берилишига муносабати аён бўлмоқда. Бу мулоқот президентлик лавозими диктаторнинг Америка суди тарафидан жазога лойиқ қўрилган қизига ўтишида АҚШнинг нафақат сукут сақлашига, балки ўзбек диктаторининг сохта сайлов йўли билан ўз лавозимини қизига беришига билвосита, яъни яширинча ёрдам беришга тайёр эканлигини кўрсатади. Бунинг учун етарли далиллар бор. Шундай қилиб..

Ўзбекистон ташқи сийасатини ва хавфсизлик кучларини америкалаштириш ҳақида

Р.Блейкнинг август ойидаги ташрифидан кейин Каримов Ҳафсизлик Кенгазининг кенгайтирилган мажлисини ўтказди ва унда зудлик билан куч ишлатиш тизимлари фаолиятини ташқи сийасатдаги ўзгаришларга мослаштириш зарурлигини таъкидлади. МХХ, ИИБ, МВ ва ТИВ ва баъзи давлат кўмиталари фаолиятини бундай “мослаштириш” куйидаги етти моддада кўрсатилган йўналишларда амалга оширилади:

1) МДХ давлатлари (биринчи навбатда Россия), Хитой ва Эронга ва маълум даражада Покистонга нисбатан Ўзбекистоннинг мутлақ мустақил ташқи сийасат олиб боради.

2) Ўзбекистон ШХТдан чиқмайди, аммо унинг бу ташкилотдаги ҳаракатлари аввало ўзининг ва АҚШнинг манфаатларидан келиб чиқади. Бошқа сўз билан айтганда, бундан кейин Каримов ШХТда Америка манфаатларининг сўзчиси ва агенти вазифасини бажаради.

3) Америка ҳарбийларини ва курулларини Афғонистондан олиб чиқиш даврида Ўзбекистон ташқи сийасатининг устивор йўналиши АҚШ билан имзоланган шартномаларни бажаришдан иборат бўлади. Бу мақсадда Ўзбекистон Афғонистоннинг шимолидаги ўзбек

ва Хитойнинг Ўзбекистонга тазйиқ ўтказишига АҚШ тарафидан монелик қилинади, деб қаролат берганлар.

Яқинда Астанага қилган ташрифидан ўзбек диктатори сув манбалари масаласида Тожикистон ва Қирғизистонга қарши уруш очиб қилиши сабаби шу эдимиз? Чунки энди унинг орқасида Оқ Уй турибди! Нурсултон Назарбоевга ҳам осон эмас энди. Чунки Ислон Каримов ундан ўзбек ҳукумати кидираётган шахсларни дарҳол ва шартсиз равишда Ўзбекистонга топшириш ҳақида икки томонлама шартномани имзоланиш талаб қилган. Шунингдек, ўзбек диктатори Тожикистон ва Қирғизистонда қуриладиган сув омборлари масаласида Қозоғистон раҳбарлари Ўзбекистон тарафини олиши учун уларга тазйиқ ўтказишга уринган.

6) Ўзбекистон ва Америка шартномасига кўра, ўзбек ҳукумати вакиллари ИИБ ва МХХ имкониятларидан фойдаланиб, ўзбек мухолифатининг Ўзбекистондаги ва хориждаги “тармоқларини” фош қилиш топширилган. Бу ишда америкаликлар ўзбек ҳамкорларига мўътадил мухолифат билан Ўзбекистон Исломий Ҳаракати вакиллари орасида фарқ қўйишни тавсия қилганлар. Америкаликларнинг тасиясига кўра, мўътадил мухолиф кучлар сафига жосусларни киритиш билан уларни заифлатиш ва таъсирсиз қолга келтириш мўъжалланган. Ўзбекистон ҳукуматига М.Солих тарафидан бошқариладиган ЎХХни заифлатиш ва таъсирсиз қолга келтириш топширилган. УИХ масаласида эса иложи борича кескин чоралар кўриш кўзда тутилган. Хусусан, Давлат Департаменти ва Пен-тагон вакиллари ўзбек ҳамкасбларига УИХга алоқаси бўлган ҳар қандай кишини эҳтимолий ёки амалий террористлар рўйхатига киритишни тавсия қилганлар. Бу вазифа МХХнинг ташқи разведка бўлимига топширилган.

7) Август келишувларига биноан, ўзбек тарафига Ўзбекистонда интернет

Хулоса

Биз мақоламизни “Каримов Ўзбекистонда халқ кўзголонларига тайёрланмоқда” деб номлашимиз бежиз эмас, гарчи унда бошқа муаммоларни ҳам ёритган бўлсак-да. Шунинг учун биз бу мақолада келтирган фактлар, Оксарой ва Оқ Уйнинг Ўзбекистонда энг қўрққани – халқ кўзголонлари эканига гувоҳлик беради. Тошкент ва Вашингтон бу кўзголонларни ички ва ташқи мухолиф гуруҳлар ташкил этиши мумкин эканини яхши тушунади. Шунинг учун, ўзбек-америка келишувларининг асосий моддалари оммавий тартибсизликларни бостириш, стихияли кўзголонлар, ҳамда ўзбек мухолифатига қарши курашга қаратилгандир.

Ушбу ҳолатни инобатга олиб, яна бир бор шунга амин бўлиш мумкинки, И.Каримовнинг мустабид режимини ағдаришни, ҳокимиятни қизига ўтказилишининг олдини олишни истаган ҳар қандай шахс, ҳар қандай гуруҳ фақат ўзбек халқига, унинг фойдаланилмаган, ухлаб ётган, аммо улкан протест потенциалига таяниши лозим. Ўзбеклар табиатан қийин “кўзголади”, аммо мабодо бир “кўзгола”, тўхтатиш ўта қийин. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, бу курашда АҚШ бошлиқ Ғарб демократияси И.Каримов бошлиқ ўзбек диктатурасига ёрдам беради. Шу ўринда, Каримов режимига қарши ҳам мамлакат ичкарида, ҳам хорижда реал, аммо зоҳиран зоҳирча кўринмаётган кураш олиб бораётган ўзбек мухолифатидан алоҳида эҳтиёткорлик талаб этилади. Аммо бу эҳтиёткорлик қўрқув ва сусткашликка айланмаслиги лозим. Чунки энди мухолифларнинг қўрқув ва сусткашлиги, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг диктатор И.Каримовдан қизи Гулнорага топширилишига йўл очади. Тахтнинг бу очқўз, шахвоний бузуқ ва тўймас хотинга топширилиши Ўзбекистонда монархиянинг бошланиши, Каримовлар диктатурасининг яна беш йил, балки ундан-да кўпроқ, балки яна 20 йилга чўзилишини бошлаб беради.

(Давоми: Боши олдинги сонларда)

Мақола шундай якунланади:
«Хар ҳолда бир нарса аниқ, дейди Мухаммад Солих, Президент Каримов ўз ҳокимиятини имкон қадар узокроқ сақлаб қолишга уринмоқда. У ўзининг сиёсий рақиблирига омонсиз ва шафқатсиз эканлигини кўрсатди. Сўнги пайтларда бу ҳукмдорнинг куч билан ҳокимиятдан кетказилажаги ҳақдаги гап-сўзлар кўпаймоқда».
(16.05.2001)

БАХРОМ МЎМИНОХУНОВ: "МЕН УЛАР БИЛАН ЕВРОПАДА- ГИ ҲАР ҚАНДАЙ СУДДА УЧРА- ШИШГА ТАЙЁРМАН..."

Мухаммад Солихга қарши Каримов ҳукумати томонидан тайёрланган суиқасдга асосий гувоҳлик бераётган Баҳром Мўминохунов билан «Озодлик» радиоси ўтказган суҳбатдан парча (Суҳбатнинг учинчи, сўнги бўлими) Мухбирнинг: «Агар Ўзбекистон ҳукумати бундай айбловларингиз учун сизни судга берса-чи?» деган саволига Б. Мўминохунов шундай жавоб берди:

Б. Мўминохунов: Мен улар билан ҳар қандай судда учрашишга тайёрман ва уларга адресимни ҳам беришга тайёрман. Бирок улар менсиз ҳам оиламининг Америкадаги адресини билишади. Мен буни ҳеч қачон сир сақламаганман. Мен яна бир марта такрорлайман: улар билан Европадаги ҳар қандай судда учрашишга тайёрман. Менинг Ўзбекистонда ва ундан ташқарида бу одамлар билан мулоқот қилганимни билган кўплаб гувоҳларим, жумладан, сизнинг ҳамкасбларингиз - журналистлар ҳам бор. Улар менинг улар билан суҳбатларимнинг шохидлари бўлишган. Яна қайтараман: менда улардан яшириниш нияти йўқ. Биладан, улар эртага номимга доғ тушириш учун мени «террорчи, қаллоб, нарқобарон», деб эълон қилишлари мумкин. Буни ҳавога узатишингиз ёки узатмаслигингиз мумкин, бу сизнинг ишингиз. Эртага улар менинг Ўзбекистондаги яқинларимга ҳам босим кўрсатиб, мени улар орқали қоралашлари ҳам мумкин. Ўзбекистонда бу оддий ҳолга айланиб қолган. Ҳатто ўзим уларга телефон қилиб, агар шундай талаб қўйишса, майли, гапиринглар, дейман. Ўзбекистонда вазият шундай. Менинг ёшим ҳозир 43 да, ақли-хушим жойида бўлган одамман. Нима деётганимни ва ўзимни қандай таҳлика остига қўяётганимни яхши биладан.

Мухбир: Тушунишимча, Баҳром ака, сиз жавоб беришга тайёрсиз-у, аммо бунинг учун судга бериш ташаббуси билан Ўзбекистон расмийлари чиқишлари керак, шундайми?

Б. Мўминохунов: Асло ундай эмас, буларнинг ҳаммаси бошлани-

ши, холос. Яқин 10-15 кун ичида, худо хоҳласа, бу ҳодиса ҳақдаги йирик материал катта экран орқали намойиш этилади. «CNN» компани-яси томонидан ҳам бир таклиф бор. Бирок бу ҳақда ҳозирча биз узил-кесил бир қарорга келмадик. Ҳозир биз материалларни жамлаяпмиз. «ЭРК» Партияси, шахсан Мухаммад Солих, ҳукумат устидан, Каримов устидан ва ўша одамлар устидан судга беришга тайёр. Агар улар судга беришса, мен бу ишда асосий гувоҳ бўламан.

Мухбир: Баҳром ака, ҳозиргина сиз «CNN» телеканалининг сизга қилган таклифи ҳақда гапирдингиз. Шу муносабат билан менда бир савол туғилди: сиз бўлган ҳодиса ҳақда 10 май куни баёнот бердингиз, орадан бир ҳафта вақт ўтди, сиз билан бу суҳбатни ўтказишдан олдин мен яна телетайпларни кўриб чиқдим, нахотки, Ўзбекистон ҳукуматига қарши шундай жиддий айбловлар билан чикканингизга қарамай, халқаро ахборот агентликлари бу ҳақда бирон ахборот бермаган. Бундай эътиборсизликни қандай изоҳлаган бўлардингиз?

Б. Мўминохунов: Билмадим, мен бу баёнотни жаҳон ахборот агентликларининг эътиборини ўзимга жалб этиши, мен ҳақимда мақолалар чоп этилиши, мендан интервью олиш учун, журналистларнинг кетимдан қувиб юришлари учун қилмаганман. Менимча, бу ўйлаб қилинаётган сиёсат бўлса керак, билмадим. Бу ҳақда бирон нарса деёлмайман. Балки, улар бунга жиддий қарашмаётгандир, балки, бу бир тактикадир. Балки улар ҳодисанинг кенгрок ошқор бўлишини, янада асослироқ ва тасдиқланган фактларнинг пайдо бўлишини кутишаётгандир? Балки улар ўшанда бу мавзуга жиддийроқ қарашар? Балки бу мавзу уларга кизикарсиздир?.. Билмайман, мен улар учун жавоб беролмайман. Мен яна қайтариб айтаман, мен бу нарсани ўзимни реклама қилиш учун қилганим йўқ, бу менга керак эмас. Мен ўзимга яраша бадавлат одамман. Ҳозир бу мавзу билан таниқли журналистлардан бири шуғулланмоқда. Менимча, 10-15 кунлардан кейин, унинг материаллари эълон қилинганидан сўнг, ўйлайманки, бу нарсага ўзингиз ҳам ишонасиз.

Эшиттириш сўнгида президент Ислоҳ Каримов матбуот котиби Рустам Жумаевнинг сўзлари келтирилди, унинг «бундай сохта лентга ёзувларини ёш болалар ҳам ясай олади», деган гапларига радио муҳбири: «албатта, бундай ёзувларни ёш болалар ҳам ясаши мумкин, аммо худди ўша ёш болалар бу ёзувларнинг сохта ёки ҳақиқийлигини ҳам аниқлаб бериши мумкин», деган сўзлар билан якун ясайди. (Суҳбат қисқартирилган ҳолда таржима қилинди)

(19.05.2001)

БУҒДОЙ ВА СОМОННИ ҚОРИШТИРМОҚДАЛАР

Ҳалит ҚОҚИНЧ ("Стар",
27.09.2001)

Кўрққан нарсам юз берди. Кечаги газета хабарларига кўра, Вашингтон, Бин Лодин билан боғланган деган ил-дао билан 27 кишининг молия-ҳисоб дафтарлари фаолиятини музлатди.

Буларнинг орасида Ўзбекистоннинг Норвегияда яшаётган муҳолифат лидери Мухаммад Солих номи ҳам бор.

Туркия... Дунёнинг ҳар тарафида компло теориялари бир-бирини изларкан, менинг ўлкам ҳам бу суронга қўшилди. Турк дунёсини заррача танимаган қаламшўрларнинг ҳай-ҳай билан буғдой ва сомонни бир-бирига қориштирдилар. Фундаменталистлар ила мужодала номи остида осиелик диктаторлар нонига ёғ сурувчи янглишликлар қилина бошланди.

Маълумотга эга бўлмай туриб, фикрга эга бўлганлар учун уяламан!

Бин Лодин ва Толибон, Турк Дунёсининг келажаги учун энг буюқ таҳликалардан бирисидир. Фундаменталист оқимларнинг Турк Дунёсига жўнатган таҳдидлари янгилик эмасдир.

70 ЙИЛ ОЛДИНГИ ИЛОН ЯНА ПАЙДО БЎЛДИ

Бундан юз йил олдинги толибонларнинг у пайтдаги исми «қадимчилар» бўлиб, улар аввал рус босқинчилари билан қўлни қўлга бериб, Жадидчи-Туркчи оқимиға қарши саваш очдилар. Бухоро қадимчиларнинг Ўрта Осиёдаги маркази ҳолига келди. Юзларча жадид ёшлар қатл этилди.

Қадимчиларнинг бош ҳомийси - Бухоро амири жадидларни Тошкентга сургун қилди. 70 йиллик коммунистик режим ортидан қадимчи ҳаракат яна тирилтирилди. Араб ўлкалари ва Туркия устидан Турк Дунёсига тарикат экспорти бошланди. Севгили дўстим тадқиқотчи Ҳоқон Жўшқинарслон бир киноали мақоласида «Ўтмишнинг Бухоро амири бугунги Каримовдир», дея ёзган эди. Каримов Мухаммад Солих каби демократик қарашли зиёлиларни ўлкадан қувиб чиқарди. Бу ҳам камлик қилганидай, бутун муҳолифатни фундаменталистликда айблади. Дунёнинг энг бой табиий газ ва нефть манбаларига эга бўлган Ўрта Осиё ташқи кучлар томонидан бир пайтлар «яшил доира» номи билан аталаркан, ўз қўллари билан пайдо қилинган мавжудот назоратдан чиққан захоти, у собиқ советлардан қолган диктаторларга белбоғ вазифасини ўтай бошлади. ..

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Муҳаммад Солиҳ советлар давридан бери Жаҳидчи-Туркчи сиёсий ҳаракатга раҳбарлик қилган бир кишидир. Бошқача айтганда, тарихдаги Толибонга ўхшаганларнинг Русия ила иттифок тузиб, зиндонларда чиритганлари бир сиёсатнинг йўлбошчиларидандир. Ҳеч бир ёзувида ёки нутқиди дунёвий сиёсий тузумдан бошқа нарса ҳақида гапирмаган, гапирмайди ҳам. Муҳим бўлган нарса шу ҳақиқатнинг яхшилаб англаб олинишидадир: мабодо, АҚШ Бин Лодинни ва Толибонни йўқ этишнинг урдасидан чиққан ҳолда ҳам, агар янглиш сиёсатини давом эттирса, Ўрта Осиёда қадимчилик ва қадимчиларнинг сўнги кўринмажакдир. Супер кучларнинг вақтинчалик ҳисоб-китоблариға ўйинчоқ бўлган бу жоҳилларга барҳам беришнинг ягона йўли - диктаторликлар тугатилиб, демократик ўлкаларни куришдан иборатдир. Америка Қўшма Штатлари ва эркин дунёнинг ақли бошлари айни ҳатони такоррамасинлар... Шунча янглишликлардан сўнг энди бугдой ва сомоннинг фарқиға борсинлар ва Осиёға энди 19-асрнинг колониячилари сингари қарамасинлар. Айниқса, жоҳиллар тарафидан отилаётган балчиқларнинг изларини фарқлашни ўргансинлар!

ТЕРРОРНИНГ ИЛДИЗЛАРИ - ТОТАЛИТАР РЕЖИМЛАРДИР!

Ҳалит Қоқинч Стар газетаси, Туркия

Очиғи, англамоққа қийналаман. Чунки, «компло» теорияларини ёқтирмаганим каби, воқеаға сабачи кишиларни ҳам танийман. «Хуррият» газетасидан Ёлчин Байер Ўзбекистоннинг сургундаги муҳолифат лидери Муҳаммад Солиҳнинг фундаменталист терроризмға майлли бир киши эканлигини ёзганди. Баер узок йиллардан бери муҳбирлик қилади. Муҳаммад Солиҳ бу иддаоларға дарров жавоб берди. Байер раддия хатни кейинги мақоласида айнан берди. Орадан оз вақт ўтди. Бу сафар «Радикал» газетаси қўпол хатоға йўл қўйди: АҚШ тарафидан террорист деб эълон қилинган 27 ташкилот ва шахс орасида Муҳаммад Солиҳнинг исмини ҳам зикр этди. Баҳса сабаб кишининг Носир Фаҳми Носир Ҳасанайн номи билан ҳам аталган Муҳаммад Салаҳ деган бошқа бир шахс эканлиги маълум бўлғач, газета ўз саҳифаларида тузатув эълон қилиб, узр тилади! Воқеалар бу билан битмади. Бу сафар яна «Хуррият» газетасида Энис Барбарўғли Муҳаммад Солиҳ билан Усома бин Лодин орасида ўзига хос қайсарлик билан «алоқа» курган мақоласини чоп этди. Барбарўғли яхши таҳсил кўрган, зиёли ёшлардан бўлиб, қайсарлик билан яна айни ҳатони айнан такорраганиға ақлим

бовар қилмаяпти, тушунолмаман.

НАЗАРИМДА БУ МУЗОФОТНИ ҲЕЧ ТАНИМАЙСИЗ

Хурматли ҳамкасбларим, севимли дўстлар!..

Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистондаги диктаторлик режими тарафидан кўплаб мартаба ўлдиришға ҳаракат қилинган, демократ ва зиёли инсондир. Қамокда чириб йўқ бўлиб кетиши учун зиндонга ташланган ўзбек адабиёти намоёниси Мамадали Маҳмуд каби режим томонидан баъзан фундаменталист, баъзан эса КГБ агенти эълон этилиб қоралашға ҳаракат қилинмоқдадир. Яна ўйлаб адоғиға ета олмаганим бир «механизм» тарафидан жамоатчиликка фундаменталист ўлароқ тақдим этишға ҳаракат қилинган Мамадали Маҳмуд 2000 йилнинг июн ойида Америка инсон ҳақлари ҳимоячилари тарафидан Хеллман-Ҳаммет мукофотиға лойиқ деб топилди... 2001 йил 5 апрелида эса Америка Ёзувчилар Жамияти «ПЕН» Барбара Голдсман хуррият мукофотини Мамадали Маҳмудға берди.

Муҳаммад Солиҳ фундаменталист... Мамадали Маҳмуд КГБ агенти... Ёпирай!.. Балким, бу хатолар ёмон ниятдан эмас, музофотни яхши билмаслигинингиздан шундай хатоларға йўл қўяётганингизға йўйиб,

М.Солиҳнинг Ослода қаламға олган навбатдаги мақоласиға ўрин бермоқчиман:

ИСЛОМИЙ РАДИКАЛИЗМНИ ЎЗЛАРИ ПАЙДО ҚИЛДИЛАР

Нью-Йоркдаги эгизак миноралар фожеаси, ҳеч шубҳасизки, бутун инсониятнинг фожеасидир. Бу ишни қилганлар мутлақо жазоларини тортиши керак ва торғади ҳам, Оллоҳнинг изни билан.

Террорнинг томирини қирқмоқ шартдир. Менга бу ибора жуда ёқди. **ТЕРРОРНИНГ ТОМИРИНИ ҚИРҚМОҚ.**

Дунёда сўнги кунларда жуда кенг тарқалаётган ибора бўлди бу. Ҳа, террорнинг илдинини қуритмоқ лозим. Ки, бу бало бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритмасин. Лекин террорнинг илдинини дер экан, буни ҳар ким ўзича талқин қилади, масалан, бизнинг Ўзбекбоши Каримов «террорнинг илдинини» деганда Ўзбекистон Исломий Ҳаракатини тушунади. Аммо бизнинг минтақани таниган ҳар бир ақли салим инсон билладикки, бу Ҳаракат террорнинг илдинини эмас, унинг МЕВАСИДИР.

Ўзбекистонда террорнинг илдинини - сиёсий режимдир. Бу илдинларни ҳар кун парвариш этган, тарбиялаган, суғориб, ўстирган боғбон бизнинг Президентимиз Исломо Абдуғаниевич Каримовнинг ўзгинасидир. Унинг ўлка бўйлаб ўтказган терроридан

зиндонларда ўлган ва ўлдирилган инсонлар сони Нью-Йоркдаги эгизак минораларда ўлганларнинг сонидан оз эмас, десак, муволаға бўлмайди.

Фарқи, бу ўлганларни санайдиган одам йўқ, ҳисобини сўраб, бунга кизиккан йўқ.

Дунё наздида ўзбекнинг жони анча арзондир, дунё наздида ўзбекнинг кўзёшлари анча қийматсиздир...

1991 йилда Ўзбекистонда «исломий радикализм» деган бир нарса ҳеч йўқ эди. Бунинг пайдо бўлиши учун Каримов бечора роппа-роса 5 йил меҳнат қилди, беш йил, тасаввур қилинг! У беш йил давомида давлатға оид бўлмаган масжидларни қаҳрамонларча, халқнинг кўз олдида йиқиб, ер билан бир қилди. У беш йил давомида намоз қилган ёшларни хибса олди, ертўлаларда қўноққа солди, ўлдирди, қувғин қилди.

Беш йил танаффуссиз халқнинг диниға қарши давлатнинг бутун имкониятларини ишға солиб жанг қилди. Бу беш йил давом этган давлат терроридан кейин муслимонлар, айниқса, ёшлар Ўзбекистондан қоча бошладилар, уларнинг бир қисми Тожикистон муҳолифатиға қўшилиб Афғонистонға ўтди. Бугун ўзларини Ўзбекистон Исломий Ҳаракати деб атаган ва Америка Президенти Бушнинг террористлар рўйхатиға киритилган курулли гуруҳнинг ўзағи ўша Каримов терроридан қочган ёшлардан таркиб топгандир.

Шу боис, қамина ўтган куни (7 октябрь, 2001) ББС радиосидан гапирар экан, Америка Давлатиға мурожаат қилиб, шуларни айтдим:

Муҳтарам америкалик дўстлар, модомики, сизлар Марказий Осиёда террорнинг томирларини ахтарётган экансизлар, сиздан илтимос, бу хусусда у минтақанинг халқидан ҳам бир сўраб кўринг. Террорнинг илдинини қарда, деб халқдан бир сўраб кўрингчи, у нима деркин?

Албатта, Каримов «мана сиз ахтарган террорнинг илдинини», деб ўз душманларини сизға кўрсатажакдир. Лекин Марказий Осиёда **ТЕРРОРНИНГ ИЛДИЗИ - ТОТАЛИТАР РЕЖИМЛАРДИР.** Афғонистонни бомбалаш билан иш битади, деб ўйламанг, америкалик дўстлар. Террорни, фақат Толибонни енгиш билан тугатиб бўлмайди. Чунки яна бир Толибон бор, бу Қизил Толибондир.

Собиқ Политбюро сарқитлари **ҚИЗИЛ ТОЛИБОНЛАР!** Илтимос, уларни унутманг. Террорнинг томирини қуритамиз, деб сўз бердингиз, иншооллоҳ, шундай бўлажак. Умид қиламизки, қўлингиздаги белкуракни теран-теран уриб, террорнинг ўқ илдинларига етажак ва уни яна кўкармайдиган қилиб қирқиб ташлайсизлар!

(10.10.2001)

(Давоми келгуси сонда)

КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) билдирганига кўра, ўликнинг оғриқни ҳис этиши тирикнинг оғриқни сезишидан анча кучлидир. Тирикликда ёки ўлгандан сўнг азосини беришга кўнгилли ҳолда розилик берган кишилардан аззо олиш ҳам хавфлидир. Биз ўлимдан сўнг қандай ҳаёт бўлишини билмаймиз, ўрганганимизда эса жуда кеч бўлади.

Ҳазрати Исо: “Агар кўзинг сени гуноҳга бошласа, уни суғуриб ташла. Кўзингнинг йўқ бўлиши жаҳаннамда бутун вужудинг ёнишидан афзалроқдир”, деган. Ўз аззоси шундай тахликали бўлса, инсон қандай қилиб бошқа биттасининг кўзини, юрагини ёки буйрагини ўз вужудига ўткази олади?! Яна, «ўлим тахликаси бор эди, шу боис орган нақли (кўчириш)га мажбур бўлдик», дейдилар. Хўш, орган нақлидан кейин ўлим бекор қилинадими? Аллоҳ (Таоло) кўчирилган орган (аззо) ни рад этувчи механизмни яратиб қўйибди. Агар Аллоҳ орган нақлини таъқиқламаганда эди, бу механизмни яратмаган бўларди. Аззо нақл этиш (кўчириш)ни амалга оширган киши бошқасидан олиб қўйилган аззони вужуди рад этмаслиги учун, умр бўйи иммунитетни қийнайдиган синтетик дорилар қўллашга, яъни, Аллоҳнинг қонунарига қарши курашишга мажбур бўлади.

Бугун дунё аҳли ишониб бўлмас ва кўркинчли бир ҳодисага шохид бўлди. Австралияда 9 ёшдаги бир қизга жигар кўчириб ўтказилди. Ўтказилган жигар кўзининг қон тизимини ва иммунитет тизимини назорат остига олди: қизчанин қон гуруҳи ва резус фактори ўзгарди, иммунитетнинг рад қилиш механизми бартараф этилди! Бу вазиятда дунё ҳайрон: қизнинг танасига жигар ўтказилдими ёки жигарга қизнинг танаси кўчирилдими?! ... Одам фарзанди тонгга эришганда, аззоларининг барчаси ўз (ҳол) тилида унга шундай дейди: “Бизнинг ҳаққимиз учун Аллоҳдан кўрк. Зеро, биз сенга оидмиз”. (Ҳадиси Шариф)

Қон алмаштириш

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қиёмат аломатларидан хабардор қиларкан, тўрт фитнанингу зухур этажанини, уларнинг дастлабки қон бўлишига диққатни қаратади: “Тўрт фитна бўлади. Қон мубоҳ қилинади. Қон ва мол мубоҳ қилинади. Қон, мол ва номус мубоҳ қилинади, тўртинчиси эса Дажжол фитнаси бўлади.”

Бу ҳадиси шарифда кечган “қон” қалимаси “қон тўкиш” сифатида тушунилса ҳам, маъноси анча кенгдир.

Қон тўкиш, бизнинг замонда бўлгани каби, ҳар даврда бўлган ва бўлади.

Бироқ ўтмишдан бугунги кун-

нинг фарқи, бугун дунёимизда қон олиб, қон бериш ниҳоятда кенг тарқалган. Бугун миллий ва халқаро қон захиралари воситасида, таъбир билан айтсак, бутун дунё худди “қон тармоғи” билан боғлангандек!

Барча илмиҳолларнинг тозалик бўлимига қараганимизда, қоннинг “қатта нажосатлар” (ифлосликлар) орасида саналганини кўрамиз: “Инсоннинг вужудидан чиққан ва таҳорат олиш заруратини туғдирадиган ҳамма нарса буюк нажосатдир: ахлат, сийдик, сперма, қон, иринг, сариқ сув, оғиз қусуғи, ҳайз, нифос ва истиҳожа қонлар каби.” (“Ислому Ақидаси” А. Ф. Явуз).

Қон ҳеч бир шаклда қўлланилмаслиги, ҳатто итга ҳам берилмаслиги, фақат тупроққа қўмилиши керак. Бундан ташқари, “Бақара” сура-си 173-чи ояти Каримада “Аллоҳ сизга қон, чўчка гўшти ва Аллоҳдан бошқанингу номига сўйилганларни истеъмол қилишни ҳаром қилди”, деб буюрилган. Ҳам “ҳаром”, ҳам “жирканч нажосат” бўлган нарсадан ҳеч бир шифо кутиб бўлмайди. Бу бир тузокдир. Афсуслар бўлсин-ки, “қон каби вужудни янгилай оладиган тўқималар тирик одамдан бошқасига ўтказилиши мумкин”, деган фатволар берилмоқда. Қон алмаштириш билан боғлиқ шу ўрнатилган сазовордир: Жарроҳлик амалиётини ўтказиш мақсадида бир аёлга қон қуйилди, аёл уйғонгандан сўнг ҳаётида ҳеч сигарет чекмаган бўлса-да, бирдан “Marlboro” сигарети чекишни истаб қолди. Кейин аниқлашча, унга қон берган тоғаси “Marlboro” кашандаси экан. Энди бу аёл 15 йилдан бери сигарет чекиш истаги билан курашмоқда! Бундан хулоса шу-ки, қон олганга қон берган кишининг сифатлари ҳам ўтиши мумкин. Бу аёл ўз тоғасининг қонини олганди, аммо, одатда, беморлар қандай инсондан қон олаётганини билмайдилар ва уларга қон қуйиш марказларида узок муддат сақланаётган қон қуйилмоқда. Бу қон фақат жисмоний тарафдан эмас, маънавий жиҳатдан ҳам хавф туғдиришмоқда. (“Қон олдириш” ва “Зехн назорати” бўлимига қаранг.)

Кўрсатиш (диагностика) жиҳозлари

Баъзиларига кўра, бир дақиқа давом этган компьютер томографияси «ҳаётни сақлаб қолмоқда» эмиш.

Бизнингча, жиҳозлар борган сари инсонлар сиҳхатида ҳеч қандай муаммо бўлмаса ҳам, муаммо бор каби қилиб кўрсатиш воситасига айланимоқда. Улар кўрсатган натижалар кераксиз ва зарарли муолажаларга, ҳатто жарроҳлик амалиётларига сабаб бўлмоқда. Янада ёмони, тадқиқотчилар компьютер томографиясининг саратонга (ракка) йўл очиб олиши ва мавжуд шиш-

ларни баттар газак олдириши мумкинлигини таъкидламоқдалар. Бу ҳолат, хусусан, саратонга (ракка) мойил бўлганлар, “А” ва “АВ” қон гуруҳи эгалари ва кексалар учун тахликали бўлиб бормоқда. Соғлом инсонга татбиқ қилинган компьютер томографиясининг берган зарари соғломлаштирувчи омилдан кўп бўлиши мумкин. Бундан ташқари, шифокорлар ҳар масалада томография, рентген, ультранурли ва бошқа қимматбаҳо усқуналардан фойдаланишни жуда яхши кўрадилар. Кейин кераксиз дори муолажалари, ҳатто жарроҳлик амалиётларини (бел чурраси, юрак амалиётлари, “цезарь амалиёти” каби) амалга оширдилар.

Янада ҳайратланарлиси шуки, бу тахликали амалларни фақат шифокорлар эмас, балки бу “ташхис”ларга ишонадиган беморлар ҳам истамоқда. Беморлар ўзларини ғаройиб жиҳозлар билан текшириб, MR каби тадқиқотлар ўтказмаган, “жиддий ташхислар” қўймаган, дори, муолажаси бермаган докторга шубҳа билан қараяптилар. Мисол учун, Скандинавия мамлакатларида яшаган турклар Туркиядаги докторларни афзал кўрадилар. Чунки Скандинавияда доктор талабдан бир қанча кун, ҳатто, бир неча ҳафта кейин учрашув белгилайдилар. Туркиядаги каби дарров дори ёзмайди, шифоҳонага ётқизмайди, осонликча амалиёт қилмайдилар. Скандинавияда докторлар ҳомиладор аёлларга нормал туғиш рўёбга чиққунча, туғиш тўлғоғига чидашни тавсия қиладилар.

Соғлиқни сақлаш учун умумий тавсиялар

Тонг отишига 1-2 соат қолганда уйқудан уйғонмоқ лозим ва кун бо-тишига 1-2 соат қолганда ухламаслик керак. Бу соатларда ухлаганларнинг уйқу, чарчок, эринчоқлик ва касаллиги ортади. Чунки бу пайтда инсон организмдаги тизимлар мувозанатини таъминлаш учун керакли бўлган гормонлар ишлаб чиқарилади. Уйқуда эса бу жараён секинлашади.

Бу ҳолат жисмоний, рухий ва психологик безовталиқни юзага келтиради.

Ҳар касалликнинг негизига етарли бўлмаган ҳазм ва ҳазмсизлик бўлгани учун занжабил, тошчўп (жамбул), қоразир, далачай, хантал, зарчуба, қардамон (ҳил) ва қалампирни навбатма-навбат доим истеъмол қилиш керак. Булар овқат ҳазмини осонлаштириб, ошқозон ва ичакларни қувватлантиради, бу аззолардаги микрофлорани нормаллаштиради, яллиғланиш жараёнини тўхтатади, гастритга, ҳатто Н. Р. улогі инфекциясига барҳам беради.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ДАВОСИ

Давоми боши олдинги бетда

Бош оғриғи, ошқозонда ҳазмсизлик, кекириш, ачиш бўлса, қон босими ва қанд миқдори ошиб кета бошласа, энг тўғри муолажа еганларини қусишдир. Қусиш учун 1 ош қошиқ зайтунёғини 1 стакан илиқ сув аралаштириб ичса, кифоя қилади. Қусишда қийналганлар ошқозоннинг устига илиқ сув тўлдирилган халта қўйиб, икки бармоғини оғзига тикиб, қусиш ҳиссини уйғотишлари мумкин (“Қусиш” бўлимига қаранг).

Ойда бир ёки икки марта қусилса, ошқозон тозаланади ва қувватланади. Ошқозони заиф бўлган “А” қон гуруҳи соҳиблари учун мазкур тавсия жуда муҳим.


Момоқаймоқ (сачратки), баргизуб (подорожник), кичитки ўти ва ёввойи семизўти ошқозон, ичак ва жигардаги ҳазми яхшилаш учун, умуман ҳазм ва қон ишлаб чиқариш каби барча жараёнларни тўғрилаш учун, қисқаси барча касалликларга қарши дори сифатида истеъмол қилиниши керак.

Кўкатлар истеъмол қилишни кўпайтириш керак. Индов, исмалок куртаги, сачратки, селдир, петрушка, семизўти каби турли кўкатларни сабзи, қизил лавлага, пиёз, лимон сувларини ва зайтунёғини қўшиб, салат шаклида ҳар куни истеъмол қилиш керак.

Ични котириб қўймасликка эътибор қилиш керак. Соғлом бўлишни хоҳлаган киши катта ҳолатга чикмасдан туриб, иккинчи бир овқатни емаслиги керак. Тарвуз, анжир, грейфрут, узум каби мевалар, сабзи ва яшил баргли сабзавотлар ичакларга хузур баҳш этгани учун, таом сифатида ейлиши мумкин. Бу қондага умр бўйи риоя этиш лозим. (“Аччиқ қовун”, “Ошқозон ва ичаклар давоси” бўлимига қаранг.)

Саримсоқ ютишга одатланиш керак. 3 донадан 21 донагача кўпайтириш мумкин. Бу тарзда йилда бир марта 21 кунлик саримсоқ курслари олиш мумкин. Имкони бўлса, 21 кунлик курсларда 10 кун давомида ҳар куни кечқурун бир бош саримсоқ, 1 чой қошиқ седана, 1 чой қошиқ кичитки ўти уруғи туйилиб, 1/4 чой қошиқ занжабил қўшилади, асал билан аралаштирилиб, оч қоринга ейилади. Ҳар куни кечқурун 1-3 дона саримсоқ ютишга умр бўйи одатланиш керак. Пиёз ва саримсоқ саратон (рак), аллергия, оғир юкумли касалликларга ва генетик мутацияларга қарши тананинг чидамлилигини оширади.

Сийдик, балғам, ўт ва ҳайзни тўқари, яллиғланишни қуритади, зарари микроб ва гижжаларни ўлдирди, безларни ва қонни тозалайди, қон босими, холестерин ва қондаги қанд меъёрини назоратга олади.



Ҳар куни эрталаб янги сиқилган сабзавот ёки мева сувини ичиш, мева ва сабзавот ейиш қон ва аъзоларни тоза тутати, юракни дам олдирди, феъл-атворни гўзаллаштиради, уйқу ва ейишни камайтиради, тана соғлигини, қувватини ва тетиклигини сақлайди.

Тарвуз мавсумида тарвузга барча касалликларга қарши катта неъмат сифатида қараш, уни уруғлари билан ейиш ва пўстининг сувини сиқиб, кунига 1 стакан ичиш керак. Тарвуз буйрак тошларини туширади, жигар ва ичакларни қувватлантиради ва тоза тутати.

Огоҳлантириш: Сабзавот ва меваларнинг генлари ўзгартирилмаганини олишга эътибор қилиш керак.

Тоза зайтун ёғининг фойдаларини санаб чиқиб бўлмайди: қондаги қанд ва холестеринни мувозанатга солади, геморрой, жигар ва буйрак тўқималарини; ич ва ташқи яраларни тузатади. Саратондан (ракдан) сақланиш ва сафро (ўт пуфаги) тошларини эритишда таъсирли восита; томир очувчи ва тозаловчидир. Зайтун ёғидан максимум фойда олиш учун янгилигида истеъмол қилиш керак.

Ҳафтада 1-3 марта кўкат билан мизожга тўғри, яъни қон гуруҳига мос бўлган гўшт ва 1-2 марта балиқ ейиш ҳазми осонлаштиради, иммунитет тизимини қувватлантиради, метаболизмни тузатади. (“Гўшт” бўлимига қаранг.)

Тухум фақатгина янгилида (1-3 кунлигида), кўпи билан 9-10 кунлигида ейлиши керак. 10 кунлик ёки ундан ошган тухум ёки 5 дақиқадан кўп қайнаган тухум, ёки пастеризация қилинган тухум захарли ва аллергия берувчи ҳисобланади.

Туриб қолган тухум авваллари фақат цемент қилишда ишлатилар эди.

Қон айланишини тузатиш ва муҳофаза қилиш учун ҳар баҳорда

зулук қўйиш, ёз ва қишда ҳам хожамот қилиш керак. (“Зулук давоси” ва “Хожамот” бўлимига қаранг.)

Ҳазм бузилмаслиги, танага токсик қолдиқлар йиғилмаслиги ва жигар касалликларига чалинмаслик учун:

Сут маҳсулотларини балиқ, товук ва гўшт билан бирга емаслик керак.

Нўхот, ясимқ ва ловияни қатиқ билан емаслик зарур, Ошқозон ва ичакларда газ ҳосил қиладиган нарсалардан. Тайёр сосиска, саями, қолбаса каби аралаш гўшт маҳсулотларидан, “Fast-food” таомларидан, музлатилган тайёр маҳсулотлардан, микротўлқинли печда тайёрланган таомлардан, кўшимчали маҳсулотлар ва консервалардан узоқ туриш керак.

Булардан ташқари:

Қовурилган ва туриб қолган писта, бодом ва шўрданақлар

Маргарин, писта (қунгабоқар) ёғи ва жўхори ёғи каби рафиналанган (тозаланган) қўшимчали ёғлар холестеринни оширади ва томирларда қаттиқ тикилишлар ҳосил қилади. (“Ёғлар” бўлимига қаранг.)

Кетчуп, сосиска, тайёр тузламалар, қўшимчали мураббо ва сунъий асаллар;

Пасторизе сут, тайёр шўрва ва бошқа туриб қолган маҳсулотлар;

Аспартам, аспасвит, аспамик, глюкоза, фруктоза каби трансген ширинлаштирувчилар; бўёқ, арома (сунъий хушбўй хид), қуюқлаштирувчи, сут қукуни, тухум қукуни, ёғ ва сақловчи моддаларни ўз ичига олган тайёр таомлар, сунъий тайёр мева сувлари ва қолали ичимликлар - соғлиққа зарарли, улардан узоқ туриш керак.

Улар буйрак, жигар, мия ва жинсий аъзоларининг тўқималарига зарарли таъсир кўрсатади, хотирани йўқотишга, концентрациянинг (физик) бир жойга тўплашнинг) бузилишига, бегуштлиққа, қанд касаллигига, аллергияга, генетик мутацияларга ва бугунгача аниқланмаган (MS каби) касалликларга сабаб бўлади. (“Кўшимча моддалар” бўлимига қаранг.) “Табий” дейилган витамин ва дориларнинг барча-барчаси гени ўзгарган маҳсулотлардан олинади. (“GMO” бўлимига қаранг.)

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир
Қамолдин Йўлдош